

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ
ХЎЖАЛИК ВАЗИРЛИГИ**

САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

Ветеринария, зоотехния ва қоракўлчилик факультети

«5640100 “Ветеринария» таълим йўналиши

АМАНОВ ШАРОФИДДИН НУРАЛИЕВИЧ

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

**Мавзу: “Доривор моддаларнинг таъсирларини юзага
келишидаги умумий қонуниятлари”.**

Илмий раҳбар, доцент:

Салимов Ю.

**Ветеринария, зоотехния ва
қоракўлчилик факультети декани,
доцент _____ Н. О. Фармонов
« _____ » _____ 2011 йил**

**«Хайвонлар анатомияси,
физиологияси, жарроҳлиги
ва фармакология» кафедраси
муdiri, доцент
_____ Р.М. Таштемиров
« _____ » _____ 2011 йил
№ _____ - сонли йиғилиш баёни**

САМАРҚАНД 2011й.

МУНДАРИЖА

1.	Кириш.....	3
	Президентнинг 2011 йил “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик” йили давлат дастури.	
	Президентнинг 308 ва 842 қарорлари.	
	“Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” Тошкент 2009 йил.	
	Мавзунинг долзарблиги.....	9
2.	Илмий адабиётлар шарҳи.....	12
2.1.	Дори моддаларнинг таъсир механизми.....	12
3.	Хусусий текширишлар.....	17
3.1.	Доривор моддаларнинг таъсир турлари.....	17
3.2.	Дори моддаларнинг организмдаги биотрансформацияси.....	27
3.3.	Дориларнинг турларига ва концентрация эритмаларига қараб организмга таъсирлари.....	30
3.4.	Дориларни такрор қўллаганда таъсир хусусиятлари.....	32
4.	Меҳнатни муҳофаза қилиш ва фуқоролар мудофааси.....	33
5.	Қишлоқ туманларида ветеринария хизматини ташкил этиш.....	41
6.	Менежмент асослари.....	50
7.	Хулосалар.....	54
8.	Фойдаланилган адабиётлар.....	55
9.	Илова (Интернет маълумотлари).....	57

1. КИРИШ

Президентнинг 2011 йил “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик” йили давлат дастури.

2011 йил Ўзбекистон Республикаси Президентининг таклифига асосан “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” деб эълон қилиши мамлакатимиз ва унинг ҳудудларида янада қулай муҳит яратишга имкон туғдирди. Бу борада қабул қилинган Давлат дастури хусусий мулкчиликнинг устуворлигини йўналтиришга қаратилган қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга ва бу борада ишончли қафолатларни таъминлашга ва бу борада ишончли тадбиркорликка кўпроқ эркинлик беришига кичик бизнес субъектларининг молия кредит ва хом ашё ресурсларидан кенг фойдаланишга давлат назорат органларининг тадбиркорлик субъектлари молия хўжалик фаолиятига аралашувини кескин қисқартиришга қаратилган кичик корхоналар ташкил қилиш ҳамда кичик корхоналар ва тадбиркорларни рўйхатдан ўтказиш тартиби қоидаларни янада соддалаштириш кичик бизнес субъектларини қуриш ва тадбиркорларга ер участкаларни ажратиб бериш борасидаги масалаларни ҳал этиш бўйича аниқ чора тадбирлар ўтказиш белгиланган. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ахборот билан таъминлашга кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш масалаларида уларга консултатив кўмак бериш тизимини шакллантириш кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг сув, газ, иссиқлик таъминоти ҳамда бошқа тармоқларга уланиши бўйича шароитларни яхшилашга яқиндан кўмак бериш ҳам назарда тутилган.

Президентнинг 308 ва 842 қарорлари.

Ўзбекистонда шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжалиklarини ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Республика Президенти И.А.Каримовнинг 2006 йил 23 мартдаги “Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжалиklarида чорва моллар кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ – 308 ва 2008 йил 21 апрелдаги “Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжалиklarида чорва моллар кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқишни кенгайтириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ – 842 – қарорлари чорвачилик соҳасини ривожлантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Республикамиз шунингдек, бошқа ҳамжамияти мамлакатимиз олдида турган асосий вазифалардан бири аҳолини экологик жиҳатдан тоза ва сифатли чорвачилик озиқ – овқат маҳсулотлари билан таъминлашдан иборат.

Бундай вазифаларни амалга ошириш учун навбатда замонавий технологияларга асосланган ҳолда қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини ошириш, чорва моллари ва паррандаларни соғлом ҳолда сақлаш, ўстириш ҳамда уларни ҳар хил касалликлардан ҳимоя қилиш каби тадбирларни ўз вақтида ўтказишимиз асосида юқори ва сифатли маҳсулотлар олишга эришишимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори.

Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжалиklarида чорва моллари кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги кўшимча чора тадбирлар тўғрисида.

Шахсий ёрдамчи деҳқон ва фермер хўжалиklarида чорва молларини янада кўпайтириш шу асосида қишлоқ хўжалик бандлиги ва даромадларини, гўшт –сут маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўсишини ошириш ҳамда ички истеъмол бозорининг тўлдирилишини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва Сув хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги томонидан Ўзбекистон Фермер хўжаликлари уюшмаси ҳамда бошқа манфаатдор тузилмалар билан биргаликда ишлаб чиқарилган:

Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтириш ва чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун қулай шарт-шароитлар бўйича комплекс чора тадбирлар

1-илова мувофиқ: 2008-10 йиллардаги даврда шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида қорамоллар сонининг кўпайишининг мақсадли параметрлари.

2-иловага мувофиқ: 2008-10 йилларда суғориладиган ерларда ем-хашак экинларда ем-хашак экинлари майдонларининг прогнози .

3-иловага мувофиқ маъқуллансин: қишлоқ ва сув хўжалиги вазири Қорақолпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлари ва туманлари ҳокимлари зиммаларига мазкур қарор билан тасдиқланган ўз вақтида ва сифатли ижро этиш юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

2. Қўйидагилар;

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, тижорат банкларининг 4-иловага мувофиқ шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларига қорамол сотиб олиш учун микрокредитлар ажратишни кенгайтириш тўғрисидаги таклифига;

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва Сув Хўжалиги Вазирлигининг Республика “ўзнаслчилик” корхонасининг ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш, сервис пунктлари тармоқларини ташкил этиш йўли билан чорва молларини сунъий урчитиш бўйича ўз базасини яратиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

3. Белгилансинки, чорвачиликга ихтисослаштирилган фермер ва бошқа хўжаликларга шунингдек, паррандачилик корхоналарига ажратилган суғорма ерлар фақатгина ем-хашак экинлари экиш учун мўлжалланган ва давлат эҳтиёжлари учун пахта ҳамда донли экинлар экишда фойдаланилмайди.

“Ўзқишлоқмашлизинг” компанияси маҳаллий корхоналар-“Агрегат заводи” ОАЖ ва “Урганчэммаш”АЖ томонидан ишлаб чиқарилаётган ем-хашакни йиғиштириб оладиган техникани қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчиларига лизинг асосида берилишини ташкил этилсин.

“Ўздонмаҳсулот” АК 5-иловадаги прогноз ҳажмларига мувофиқ фермер хўжаликлари ихтиёрида қолаётган, чорвачилик учун тўла қонли омихта ем ишлаб чиқаришнинг оширилишини таъминлайдиган омихта ем саноатини модернизация қилиш ва қўшимча дон ресурслари харид қилишни ташкил этишнинг аниқ чора тадбирлари амалга оширилишни таъминлансин.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари.

Бугунги куннинг энг долзарб муаммоси бу - 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий инқирози унинг таъсири ва салбий оқибатлари юзага келаётган вазиятлардан чиқиш йўлларини излашдан иборат. Бу инқироз АҚШ ипотекали кредитлаш тизимида рўй берган танглик ҳолатидан бошланди.

Сўнгра бу жараённинг доираси кенгайиб, йирик банклар ва молиявий тизимларнинг ликвидлик, яъни тўлов қобилияти заифлашиши молиявий инқирозга айланиб кетди. Дунёнинг етакчи фонд бозорларида энг йирик компаниялар индекслари ва акцияларининг бозор қиймати ҳалокатли даражага тушушига олиб келди. Буларнинг барчаси ўз навбатида, кўплаб мамлакатларда ишлаб чиқариш ва иқтисодий ўсиш сифатларининг кескин пасайиб кетиши билан боғлиқ ишсизлик ва бошқа салбий оқибатларни келтириб чиқарди.

Глобал молиявий инқироз ҳолатини ва унинг юз бериши мумкин бўлган оқибатларга доир материаллардан ўрганиш ва умумлаштириш натижасида қўйидаги хулосалар келиб чиққан.

Биринчидан; Молия банк тизими даги инқироз жараёнлари бутун дунёнинг қамраб олаётгани иқтисодий пасайишнинг муқарорлиги, талаб ва халқаро, савдо хажмининг камайиши жиддий ижтимоий талофатлар бўлиши мумкинлиги.

Иккинчидан; авж олиб бораётган глобал молиявий инқирозжаҳон молия – банк тизимида жиддий нуқсонлар мавжудлиги ва ушбу тизимни тубдан ислох қилиш зарурлиги.

Учинчидан; Молиявий иқтисодий инқирознинг ҳар қайси давлатдаги миқёси, кўлами ва оқибатлари қандай бўлиши кўп жиҳатдан бир қанча омилларга боғлиқлиги;

Тўртинчидан; Жахон молиявий инқирозидан имкон қадар тез чиқиши, унинг оқибатларини янгиллаштириш кўп жихатдан ҳар қайси давлат доирасида ва умуман дунё миқёсида қабул қилинаётган чора тадбирларнинг қанчалик самарадорлигига, уларнинг бир-бири билан узвий равишда уйғунлашишига боғлиқлиги.

Шахсий ёрдамчи, дехкон ва фермер хужаликлари юритаётган аҳолининг махсулдор моллар сотиб олиши учун тижорат банклари ва Аҳоли бандлигига кумаклашиш жамгармаси томонидан микрокредит-лар ажратилишини кенгайтириш тугрисида қарор қабул қилинди. Ушбу мақсадлар учун 2008 – 2010 йилларда 120,7 миллиард сумдан ортиқ маблағ йуналтириш кузда тутилган. Бу утган йилларга қараганда 30 фоизга қўпдир.

Қабул қилинган чора-тадбирларни амалга ошириш 2010 йилда шахсий ёрдамчи, дехкон ва фермер хужаликларида қорамоллар сонини 8,6 миллион бошга етказиш ёки 1,7 миллионга ошириш, чорвачилик махсулотлари етиштириш билан банд бўлганлар сонини сезиларли даражада қўпайтириш, уларнинг моддий фаровонлигини янада юкселтириш имконини беради.

1.1. Мавзунинг долзарблиги

Мустақил Республикамиз халқини чорвачилик ва паррандачилик маҳсулотлари (гўшт, сут, ёғ, тухум) билан таъминлаш шу куннинг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади. Муаммоларидан бири ҳисобланади. Кейинги йилларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Республикамиз Президенти И.А.Каримов томонидан чорвачилик, паррандачилик ва балиқчиликни ривожлантириш тўғрисида бир қанча қарор ва фармонлари эълон қилинди.

Юртимизда аграр соҳанинг бозор муносабатларини қарор топтиришига қаратилган иқтисодий ислохотлар изчиллик билан амалга оширилмоқда. Бу борада давлатимиз раҳбари томонидан “Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора тадбирлари тўғрисида”ги 2006 йил 23 – мартда қабул қилинган 308 – сонли ҳамда “Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора – тадбирлари тўғрисидаги ” 2008 йил 21 апрелда қабул қилинган 842 – сонли қарорлари муҳим аҳамияти касб этмоқда. Ушбу қарорлар ижрочисини таъминлаш мақсадида Вазирлар маҳкамаси томонидан 2009 – 2011 йилларда чорвачиликни ривожлантириш қорамоллар бош сонини ва маҳсулот ишлаб – чиқаришни кўпайтириш юзасидан Республика дастури ишлаб – чиқарилди. Чорвачилик, балиқчилик ва асаларичиликни янада ривожлантиришга йўналтирилган қайта қарорлар қабул қилинди.

Республикада чорвачилик соҳасини ривожлантириш асосан уч йўналишда амалга оширилмоқда. Биринчиси – шахсий ёрдамчи деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтириш мақсадида қорамол сотиб олиш учун микрокредитлар ажратиш турли ташкилотлар қошида қорамолчилик, паррандачилик ва асаларичилик ёрдамчи хўжаликларни ташкил этиш:

Иккинчиси – чорвачиликда наслчилик ишларини яхшилаш мақсадида четдан насли моллар келтириш зооветеринария пунктлари сонини кўпайтириш орқали сервис хизматларини янада ошириш.

Учинчиси – озуқа базасини яхшилаш учун мавжуд озуқа экинлари майдонларидан унумли фойдаланиш. Аҳоли ва фермер хўжаликлариغا омухта ем ва бошқа маҳсулотларини махсус шахобчалар орқали етказиб бериш.

Ҳозирги кеча – кундузда Республикамизда қорамоллар сони 8,5 млн бош бўлиб, охириги 5 йилда 2,6 млн бошга ёки 45 % га кўпайди. Шундан шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида 2,2 млн бошга ёки 38 % га фермер хўжаликларида эса 200 000 бошга ёки 82 фоизга ортди.

Қўй ва эчкилар сони 14,4 млн бош бўлиб, шу йиллар давомида 4,5 млн бошга ёки 45 % га, шундан аҳоли ва деҳқон хўжаликларида 3,6 млн бошга ёки 45 % га фермер хўжаликларида 678 млн бошга ёки 35 % га кўпайди.

Паррандалар бош сони 33 млн бошши ташкил этиб, 14,2 млн бошга ёки 1,7 марта, шундан аҳоли ва деҳқон хўжаликларида 2,7 млн ёки 4,3 марта ортди. Ўтган йиллар мобайнида зооветеринария сервис хизматларини кенгайтириш мақсадида 791 та махсус пункт ташкил этилиб ҳозирда уларни сони 2443 тага етказилди, бу даврда пуллик хизмат кўрсатиш даражаси 6 баробарга ошди. Сигир ва тоналарни уруғлантириш 10 баробарга кўпайди.

Республикамиз чорвачилигини ветеринария мақсадлари учун ишлатиладиган дори дармонлар билан таъминлаш ишларини 610 та ферма ва хусусий ветеринария аптекалари бажармоқда. Улар томонидан 740 дан ортик жами 3,5 млрд сумлик ветеринария дори дармонлари сотилган.

Бундан ташари аҳоли қорамолдаги чорвамоллари сонини кўпайтириш ва аҳоли бандлигини ошириш мақсадида сўнгги 4 йилда четдан қорамол сотиб олиш учун 125,6 млрд сўм миқдорида микрокредитлар ажратилди. Паррандачилик фермер хўжаликлар сони охириги 3 йилда 370 тага ошиб жами сони 677 тага етказилди. Қорамолчилик тармоғида 2011 йил 1 январь ҳолати

8,911 минг бошга етди ёки 127 % га ўсишга эришилди. Шу жумладан сизирлар 2982,5 минг бошдан 3680,2 минг бошга етди (1234%) қўй эчкилар 15:112 минг бошга (126%) паррандалар 376865 минг бошга ёки (156 %) кўпайди. Пировардида чорвачилик махсулотлари, жумладан тирик вазнида гўшт ишлаб чиқариш 1569,4 минг тоннага (138%) сут 6130,2 минг тоннага (126,2 %), тухум 3060,8 минг донага (144%) ошди.

Олдимизга қўйилган ушбу тадбир ва вазифаларни бажариш учун авваломбор мавжуд қишлоқ хўжалик ҳайвонлари ва паррандаларни ҳар хил касалликлардан ҳимоя қилиш ҳамда юзага келган касалликларни ўз вақтида даволаш тадбирларини ўтказиш билан амалга оширишимиз мумкин. Бунинг учун юқори даволовчи таъсир хусусиятларига эга бўлган ветеринария препаратлари керак бўлади. Ушбу препаратларнинг таъсир хусусиятлари ва организмда юзага келадиган ўзгаришларни ҳар томонлама ўрганиш амалий аҳамиятга эга.

2.Адабиётлар таҳлили.

2.1. Дори моддаларининг таъсир механизми, фармакокинетикаси ва фармакодинамикаси.

И.П.Павлов айтганидек, бутун фармакология шундан иборатки, ҳар қайси модда ўз физиономиясига эга, улар ўзига яқинларидан кескин фарқ қиладилар, бир қанча моддаларни қўллаш шундан иборатдир.

Ҳақиқатдан ҳам ҳар қайси доривор моддалар организмга тушганда ўзига хос специфик комплекс ўзгаришлари ҳосил қиладиларки, уларни клиник, физиологик ва биохимик усуллар билан ўрганилади. Препаратлар тузилиши билан яқин бўлгани билан уларни бирор организмга қўлланилганда улар ҳар хил кўрсаткичларга эга бўладилар.

Организмдаги ўзгаришларни ҳозирги замон усуллари билан ўрганиш шунини кўрсатадики, организмнинг айрим протоплазма хужайралари билан доривор моддаларнинг физикавий-химиявий ўзгаришларини ўзаро таъсиридан иборатдир. Бу реакцияни доривор моддаларнинг асосий ёки таъсир механизми дейилади.

Биринчи реакция жуда хилма-хилдир – РН нинг ўзгариши, ишқор резерви ва осмотик қўчланиш оқсиллар билан реакцияга киришгунча, ферментлар, медиаторлар ва бошқа мураккаб биохимик бирикмалардан иборатдир. Булардан қайси бирлари ўзаро реакцияга яхши ўрганилган бўлса, айримлари экспериментал йўл билан ўрганилгандир. Қолганлари организмдаги ўзгаришлар орқали фарқланади.

Шунинг учун айрим доривор моддаларнинг таъсири экспериментал текширилгандир. Айримлари эса фақат назария ишлатилишидандир. Биринчи реакциянинг натижаси бир ёки бир неча аҳамиятли биохимик факторларнинг активлигини ўзгаришидан иборат. Бу факторларнинг организмда ҳар хил тарқалиши ва аҳамиятига қараб, организмда специфик комплекс ўзгаришларида кўринади. Бу реакцияларни ҳар қайсиларини ўзгариши ва жарёнлари ўз навбатида организмда биологик ва физиологик

жараёнларда намоён бўлади. Бу намоён бўлиш ҳайвон организмини ўзидаги ўзгаришларга қараганда ҳам мураккаб бўлади. Бундақанги комплекс ўзгаришларни динамикада **фармакодинамика** дейилади. Ишонч ҳосил қилиш учун иккита мисол келтирамиз.

Биринчи мисол: Прозериннинг таъсир механизми ацетилхолин - эстраза билан ўзаро таъсирида кўринади. Бу жараёнда ацетилхолин – эстраза ацетилхолиннинг гидролизлаш хусусиятини йўқотади, чунки холинерия ажралади.

Ацетилхолин кўзга кўринарли миқдорда тўпланиб, холинерия тузилиши ва холинерия нервини таъсири ва бутун организмда айрим органлар ёки комплекс органларда физиологик ўзгариш жараёнларига олиб келади. Натижада мураккаб комплекс ўзгаришлар ривожланадики, булар динамикада – прозериннинг фармакодинамикаси дейилади.

Иккинчи мисол: Ацетил чумоли кислотасини ҳосил бўлишида қатнашаётган ферментлар группасини активлигини бузилиши пеницилиннинг таъсир механизмида намоён бўлади. Ацетил чумолиси мукопептиянинг ҳосил бўлишида жуда керакли. Мукопептиднинг камайишига биохимик жараёнларда ва асосан бактериал клеткаларни ҳосил бўлишига салбий таъсир кўрсатади. Натижада бактериал клеткаларда нафас олиш, резорбция ажралиш ва бошқа жараёнлар микроб клеткаларини деворларини бузилиши шунга олиб келдики, натижада микроб клеткалари ўсади. Лекин кўпайиш қобилияти йўқолади ва енгилгина ўтади. Ҳайвон организмида пенициллин юқори дозага йўналишда таъсир қилади, лекин айрим клеткаларга жуда кам таъсир қилади. Натижада реакция бутун бошқача бўлади. Битта клеткага қараганда Мукопептиднинг етишмаслиги бир клеткада кўпаяди бошқасига қараганда. Шунинг учун клетканинг ривожланиши фаоллашиб, оқсилнинг ҳосил бўлиши кўчяди, ёш ҳайвонлар яхши ўсади. Юқоридагидан шу нарса маълум бўлдики, бир хил таъсир механизм фармакодинамикаси ҳар хил тирик организмда ҳар хилда бўлади.

Амалиётда доривор моддаларни қўллаш унинг фармакодинамикасига ва уни таъсир механизмига асосан ишлатилади. Шунинг учун таъсир механизмини тўлиқ билиш уни қўллашда юқори баҳога эгадир. Мураккаб ҳайвон организмига бу жараёнларни юқори баҳода билиш И.П.Павловнинг физиологик таълимотига асосан организм бир бутун системадир. Яъни ҳамма органларнинг ўзаро бир-бири билан физиологик боғланишида ва шартли равишда бир-бири билан алоқада эканлиги бу мураккаб боғланишда марказий нерв системаси раҳбарликни олиб боради ва организм ташқи муҳит билан алоқада эканлигини билишдан иборатдир. Табиий фанларнинг ривожланиши, алоҳида йирик моддаларнинг яшаш қонунларини ўрганиш усулларини ривожланиши фармакодинамиканинг чуқурроқ ва кенгрок тушуниш таъсир механизмини янги усуллар билан бойитди.

Фармакологиянинг ривожланиши биринчи босқич доривор моддаларнинг таъсири натижасида юзага келган. Клиник ўзгаришлар асосида баҳоланиб, уларнинг таъсир механизми фақат бир органда дейиларди. Лекин доривор моддаларнинг организмда ёпиқ (интим) жараёнида таъсирини юзага чиқардилар. Бунинг ёрқин далили мисолда Гиппократнинг таълимотидир. Унинг айтишича, одамлар ёки ҳайвонларнинг касалланишида тананинг ҳар қайси участкасидаги ширалар (қон, шиллимшиқ модда, сариқ ёки қора, зардоб) нинг тузилишини бузилишидир (биринчисида намлик ва иссиқлик, бошқасида намлик ва совуқлик). Юқоридагилардан у шу натижага келдики, доривор моддаларнинг таъсир механизми намлик ва иссиқликка қарши таъсир кўрсатиб, совуқлик ва намликка тўғри таъсир этади ва ҳоказо.

Ўша даврга асосан доривор моддалар организмга таъсир қилганда улар организмда қандайдир бир илоҳий қўч орқали боғланади. Бу материалистга таълим таъсир механизмида катта прогресс эди, бу тезлик билан доривор моддаларнинг ўзаро таъсир жараёнларини касал ичкарасидаги муҳитда ўрганишга олиб келди.

Клиник усуллар кундан-кунга такомиллашиб бормоқдаки, улар қимматли томонлари билан доривор моддаларнинг таъсирини ўрганишда катта аҳамиятга эга. Шунинг учун уларни кенг миқёсда қўллаб, доривор моддаларнинг фармакодинамикасини ва таъсир механизмини ўрганишда кенг қўлланилмоқда. Клиник усуллар базасида аста-секин физиологияга қўлланилмоқда ва қайта ишлашмоқда. Тирик организмнинг қонунларини ва унинг орган система ва клеткаларини ўрганишда катта роль ўйнамоқда. Бу усуллар фармакодинамикасини тўлиқ ўрганиш ва таъсирини чуқурроқ ўрганишга кенг йўл очмоқда.

Химиявий усуллар орқали билиш ҳам бу чегара эмасдир. Ҳозирги вақтда кўп моддаларнинг таъсири химия ва физиологик квантлар механика назарияси асосида ўрганилмоқда. Бу эса ўзаро таъсирида энг майда (микрочастица) қонунларини ва радиоактивликни люминесценциянинг ва химиявий боғланишининг асосий қонунларни тушунишга катта йўл очиб берди.

Фармакодинамика – бу тирик организм ва доривор моддалар ўртасидаги реакциясидир. Шунинг учун ҳам юқоридаги усуллардан ташқари фармакологияда яна организмнинг айнан ҳолати ҳам ўрганилади. (гистохимик, электрофизиологик, бактериологик, протоологик ва гельминтологик ва бошқалар). Доривор моддаларнинг таъсири натижасида ҳайвонлар организмида мураккаб комплекс ўзгаришлар билан бирга функцияларнинг ўзгариш йўллари (қўзғалиш ва пасайиш). Моддаларнинг таъсир принциплари (тўғри ва қинғир-қийшиқ) фармакологик натижаларнинг жойлари ва йўллари (ўз жойида, нерв толалари орқали) ва унинг тарқалиши (умумий ва сайлаб) унинг аҳамиятлиги (биринчи-иккинчи даражали асосий) ва ҳайвонларнинг касаллигидаги таъсири (этиотропик, патогенештик ва ўрин алмашинуви) ўрганилади. Юқоридагилар билан бир вақтда ҳайвонларнинг тури, жинси, ёши ва турган муҳити ҳам ҳисобга олинади.

Фармакодинамика яна чуқурроқ шу вақтда ўрганиладики, қачонки доривор моддаларнинг юзага келиши ва таъсир аҳамияти, сони ва сифати жиҳатидан организмга тушгандаги ўзгариши, дозаси ва дориларнинг формалари, қўллашнинг вақтга боғлиқлиги ва бошқалар.

3. Хусусий текширишлар

3.1. Доривор моддаларнинг таъсир турлари

қўзғалиш ва пасайиш.

Доривор моддалар физиологик жарёнларни қўчайиш ва камайиш йўналишини ўзгартиради. Шу хусусиятни ҳисобга олиб, уларни икки гуруҳга бўлишади: қўзғатувчи ёки активлаштирувчи ва пасайтирувчи ёки бўғиб қўювчиларга. Қўзғалиш – у ёки бу функцияни қўчайиши ёки модданинг таъсир вақтигача даври билан солиштиришдан иборат. Таъсир вақтини натижаси босқичига қараб унинг аҳамияти ҳар хил бўлади.

1. Қўзғалиш асосан уч турга бўлинади. Агар жараён ва функциянинг бирданига пасайгани, уни қўзғатувчи нарса билан фаоллаштириб уни нормасига ёки ундан сал камроқ бўлса ҳам кўтарилса, бунга тўлиқ ёки чала ўз қобилиятига келтиришдир. Бундай эффектлар (натижалар) патологик жараёнлардан кўпроқ қўлланилади. Бундай ҳолатда организмда ўзгариш чегарали бўлади ва шунга қараб бу дориларнинг таъсири натижасида уларнинг натижасиз томони кўп кўзга ташланмай, балки уларнинг эффекти ҳисоблашилади.

2. Агар фаоллаштирилиб қўчайиб, организмнинг патологияси юз бермасдан олдингисидан ҳам қўчайтирилса, бунга нормадан ошиқ қитиқлашдир. Буни сурункали ҳолатдан ўткир ҳолатга ўтказишда ишлатилади ва бу ҳолат тезлаштириш ва мақсадга эришишда кўпроқ ишлатилади.

Нормадан ортиқ қитиқлаш бу асосан физиологик ва биохимиявий қонунларни бузишдир, бунга кўра у ёки бу патологик ҳолат вужудга келади. Агар нормадан ортиқ қитиқлаш қисқа муддатда ва меъёрида бўлса, патологик жараённинг белгилари сал билинади. Агар улар узоқ муддатли ва ҳаддан ташқари бўлса, унда патологик жараённинг белгилари сезиларли бўлади. Мисол: Сабур ҳайвонга бўшатувчи сифатида берилса, ҳатто оз дозада берилганда ҳам йўғон ичак шиллимшиқ пардаларида сув тўпланиш (отёк)

ҳосил қилади, агар кўпроқ дозада берилса, у узоқ муддатли яллиғланиш ҳосил қилади. Итларда камфора билан бош миясида қисқа муддатли эсдан кетиш ҳосил қилинганда дегенератив ўзгариш ҳосил қилинса, кўп муддатда бир неча марта такрорланиб қўлланилса ҳатто марказий нерв системасида эсдан кетиш такрорланиб, ҳатто ҳайвон нобуд бўлади.

3. Қўзғалишнинг учинчи тури – стимуляциядир.

Стимуляция – бирорта жараёни ўз нормасида функциясини физиологик кўрсаткичлар чегарасида фаоллаштиришдир. Маълумки, бирорта фармакологик дори таъсирида жараёнларни физиологик чегара ўртасида то максималгача кўтариш мумкин. Марказий нерв системасини функциясини шундай стимуляция қиладилар, гемопоз тўқимани ўстириш секрет ажратишини ошириш реактивлигини кўчайтириш ва хоказо.

Стимуляция бу кўп касалликларни олдини олиш (профилактика) учун кўп қимматли баҳодир. Чунки стимуляция даврида иммунобиологик фаоллигини ошиб озикланиши ошади ва бошқалар. Стимуляцияга қўзғатувчи ҳамма моддалар ҳам функцияни пасайишида ижобий таъсир кўрсатади. Шунинг учун уларни тўқималарни қайта тиклашда қўлланилади.

Кўп доривор моддаларнинг қўзғатувчи функциясига қарши айрим доривор моддалар пасайтирувчи вазифасини бажаради, бу хол тўқимада бу ёки у органик у ёки бу функциясини патологик ҳолат юз бермасдан олдинги физиологик нормасидан ҳам паст бўлади. Қарама-қарши туриш асосида бундай таъсир фаолроқ ва пасайган асосда яна пастроқ бўлади. Организмнинг нормал ҳолатида айрим дориларнинг таъсири организмга кўчлироқ сезилади (гипнозчилар ва бошқалар) ва бошқаларнинг тесқари таъсир этса (каролотоопиклар, антипретиклар) у ёки бу ҳолатда ҳам организмда йўқолиш бирданига бўлади, буларнинг асосий 3-чи босқичи характерлидир.

1. Қайта тикланиш жараёни ёки функцияси қайси ки физиологик нормадан юкори эди. Бундай таъсир ҳар томонлама қимматли баҳога эга, лекин уларни қўллашда ўз чегарасида функция бузилган бўлса бўлади.

2. Камайиб кетиш бу ҳамма шароитларда ҳам функциянинг камайиб, физиологик нормадан пасайишидир. Бундай таъсирлар ҳам ўз навбатида айрим патологик ҳолатда уларни функциясини бирданига кўтарилганда ўз аҳамиятига эгадир.

3. Функциянинг йўқ бўлиши (паралич) бу аста-секин камайиб, бориб то охирига солишидир. Доривор моддалар таъсирида бош миёда сезувчи ва вегетатив нервларда нервларда ичакларнинг ҳаракатини хрусталикнинг аккомодациясини вақтинча параличга олиб келади.

Тўғри ва эгри таъсир. Организмда олинган натижаларни доривор моддалар таъсирида бўлганини асосан тўғри ва эгри таъсирларига бўлинади.

Тўғри бу доривор моддаларнинг бир марта тўқимада қатнашишидир. эгри бўлса у ёки бу орган ёки тўқимада ўзи айнан реакцияга киришмайди. Маълумки ҳамма орган ва тўқималар ўзаро доим алоқада. Нейрогуморал боғланиш билан ўз функцияларини бажаришда тўғри таъсирнинг таъсирида функционал ҳолатга ҳамма органлар ва тўқималарга таъсир қилади. Иш эгри таъсир қилинган тўқимага мураккаблашади, нейрогуморал боғланиш билан бошқа орган ва тўқималарга ҳамма тўғри таъсир қилинган органга ҳам таъсир қилади.

Умумий ва танлаб таъсир. Танлаб таъсири бу айрим орган ёки тўқимага, ёки биохимик жараёнга (апоморфин саралаб таъсир қилиб кайтариш вужудга келтиради) таъсир этади. Доривор моддаларнинг саралаб таъсирини сабаблари ҳар хилдир. Шу нарса маълумки, у ёки бу тўқиманинг тирик моддаларини сезувчанлиги кунлигидан дорилар адсорбцияланиб, специфик биохимик моддалар хосил қиладики, булар доривор моддалар билан реакцияга киришади.

Умумий ва умумий хужайралар таъсири бу бутун биохимик жараёнларда таъсир этиб (оксил препаратлари ва бошқалар) катта ҳажмли, ҳатто бутун организмга таъсир қилувчи фармакологик дорилардир. Бундай таъсирлар организмнинг умумий реакциясини пасайишида айрим сурункали ҳолатларда, айрим ҳайвонларни маҳсулдорлигини оширишда кўп ишлатилади.

Асосий ва иккинчи даражали таъсир. Ҳайвон организмга ҳар қандай доривор модданинг таъсирида комплекс ўзгаришлар бўлади. Булардан айримлари амалий аҳамиятга эгаки, буни асосий ёки энг фойдали бунинг тескариси айримлари унча аҳамиятли эмас, бу иккинчи даражалидир. Иккинчи даражали сўзсиз фойдалики буни бирор дорини қабул қилишга буюрганда кўзга тутилади.

Кутилган ва кутилмаган таъсирлар. Организмнинг ҳар хил ҳолатларда бир хилдаги ўзгаришлар ҳар хил аҳамиятга эга. Мисол: Ареколин ёрдамида ичакнинг ҳаракатини кўчайтириш, ичак бўшлиғидан захарни тезроқ чиқаришда катта аҳамиятга эга, шу таъсирнинг ўзи сабабли ичакни ёрилиб кетиб ҳайвонни нобуд бўлишга олиб келади. Ҳар бир конкрет ҳолатда у ёки бу дориларни қўллашда уларни қўтилган ва қўтилмаган таъсирлари ҳисобга олинади. Биринчиси асосий амалий қўллаш бўлса, иккинчиси – шунинг тескарисидир. Қимматли ва кўп қўлланиладиган моддалар ҳарқандай шароитда ҳам қўтилмаган таъсир берадилар. Бундай таъсирларни исталмаган таъсир дейилади. Агар улар унча катта бўлмаса, уларни камайтиришда ёки бутунлай йўқ қилишда ишлатилади (Хлоргидратни оз миқдорда, қорин бўшлиғидаги қитиклаш хусусиятини камайтириш учун уни шиллик парда орқали ва флавакридиннинг некротик таъсирини йўқотиш учун уни тўқимага вена қон томирига паст концентрацияда юборилади). Қўтилмаган таъсир унча катта бўлмаса уни ҳисобга олинади-ю, лекин барибир қўлланилади.

Патогенетик ва этиотропик таъсир. Ҳозирги замон фанининг тараққиётида касал ҳайвонга доривор моддаларнинг таъсири этиотропик ва патогенетик

таъсир сифатида қаралади. Доривор модданинг биринчи ёки этиотропик таъсири катта ва асосий аҳамиятга эгадир.

Этиотропик таъсир деганда доривор модданинг фақат касал кўзгатувчисига қулайсиз таъсири тушунилади, (юқўмли касалликлар, протозойли ва гельминтологик касалликлар). Бу қонда тўғри лекин бир томонламадир. Кўп касалликларнинг асосий сабаби нерв системасининг бузилиши, модда алмашинувининг бузилиши ва ферментатив жараёнларнинг бузилишидир.

Маълумки, бир қатор терапевтик касалликлар борки, буларда моддаларни қандай шароитларда сақлашни ва боқишни бузилиши ва захарли моддалар таъсири сабаб бўлади. Булардан ташқари кўп юқумли касалликларда (боғланишини ҳисобга олмаганда) уларнинг асосини физиологик жараённинг бузилишидир.

Мисол: Нафас олиш йўлининг юқори қисмини яллиғланишига аммиак, сероводороднинг таъсири сабаб бўлади. Бундай шароитда шу юқоридаги моддаларнинг нейтраллаш учун ишлатиладиган моддалар этиотропик таъсир этиб улар даволаш учун ишлатилади. Бу касалликда касални келиб чиқишини асосий сабаби нафас олиш йўлидаги шилимшик парда рецепторларини сезувчанлигини окимидир. Бундай ҳолда касални сабаби фақатгина аммиак бўлмасдан, балки организмни синаш шу ҳолдаги ҳолати ҳамдир. Бундай ҳолда этиотропик модда, организмни мустаҳкамланишини оширувчи ва дезодорлик моддалардир.

Ёш молларда кўп инфекционик (юқумли) касалликларни келиб чиқишида шароит яратувчиси шу молнинг организмда витамин А нинг етишмаслигидир. Бундай ҳолда Каротин этиотропик таъсир қиладики, бу ўз навбатида – даволаш ва олдини олишдир. Организмга стимуляциялаш вазифасини ўтовчи кўп моддалар (кофеин ва бошқалар). Организмнинг китиқловчи вазифасини ўтайдики, бу ўз навбатида тиотропик таъсиридир. Бу табиийки, микробга, гельминтга ва протозойларга қарши моддалар ҳам

этиотропикдир. Демак этиотропик таъсир деганда кенг ҳажмда касалликнинг кўзгатувчисига қарши кўрашдир.

Доривор моддалар микробларга таъсир этиш билан улар ҳайвон организмига ҳам таъсир этадики, бу таъсир ҳайвон организмини соғлигини ёки оширади ёки пасайтириши мумкин. Шунинг учун фаол антимикробик моддалар (фенол, сулема) марказий нерв системасига таъсир қилиб лейкоцитозни бўғиб кўяди. Буларни шунинг учун ҳайвонларга бериш мумкин эмас. Фаолликни оширувчи моддаларга (висмут бирлашмалари) ва микробга қарши таъсир этувчиларни ҳам яхши қўлланилади. Ҳайвон организмида микробларга қарши кўрашидан кўра, ташки меҳнатда уларга қарши кўрашиш қулайдир. Бу эса кўпроқ қўлланилади, буларга боғлиқ ташки муҳитда юқумли касал кўзгатувчисига қарши кўраш ёки айрим шароитларда ҳайвон организмида қарши кўраш олиб борганда ишлатиладиган дориларни қайси бирларини дезинфекцияловчи, антисептик ва учинчисини эса химиотерапевтик деб қабул қилинган. Доривор моддаларнинг патогенетик таъсири жуда қимматлидир. Бундай шароитда ҳайвон организмнинг кўрикловчилик хусусиятини ошириш билан унинг патологик ҳолатини олдини олиш чораси кўрилади. Доривор моддаларнинг патогенетик таъсири ветеринарияда кўп қўлланилади, чунки доривор моддаларнинг ҳосил кўп турлари мавжуддир. Юқорида айтилганидек патогенетик таъсир ҳар қандай касалликларда ҳам ишлатилади. Чунки ҳайвон организмнинг кўрикловчи вазифасини ошириши билан патологик жараённинг давом этишига тезроқ тугашига шароит ҳозирлайди ва организмнинг соғайишига кенг йўл очади, ҳар қандай касалликда патогенетик узгариш узок вақт организмда унинг кўзгатувчисини йуқотганда ҳам сақланади. Шунинг учун ҳам патогенетик моддалар ишлатилади. Бир қанча патогенетик моддалар нафақат касал организмда таъсир қилмасдан, ҳатто соғ организмга ҳам таъсир этади. Шу тўғрисида улар биохимик ва физиологик жараёнларни стимуляция қилиб, организмнинг резистентлигини оширади ва касалликнинг олдини олади.

Доривор моддаларнинг таъсир ўринлари. Фармакологик натижа (эффект) қайси жойда юзага келишига караб доривор моддаларнинг таъсири резорбтик нерв толалари оркали ва маълум бир жойда бўлади.

Маълум бир жойдаги таъсир деганда доривор модда билан ҳайвон организмнинг қайси бир туқимаси уртасидаги бирикиш тушунилади. шулар катта аҳамиятга эгаки қачонки доривор тери устига кўз, қорин ва ичак тракти, нафас олиш, сийдик чиқариш шиллимшиқ пардаларига ва яра устига ёки укол жойига (туқима) таъсир этади. Бунга доривор моддалар билан биохимик комплекс ҳайвон туқимаси уртасидаги физико-химик таъсирларнинг умумий натижасидир. Китикланган жойдан импульслар бош мия марказига юбориладики, у ерда улар осведомик марказдан буйруқ берувчига ва у ердан эса эффект йўл билан (периферияга) ташқарига берилади. шу туфайли уз уриндаги реакция марказий нерв системасининг таъсирида бўлади. Хатто шундай кўчли, бир жойдаги люизит моддаси оддий шароитда туқимада некроз (бутунлай олиш) чақирса агар наркоз йўли билан эфферент нерв толасини вазифасини вақтинча тухтатса у бундай таъсир қилмайди. Шунини хисобга олиш керакки, ҳеч қачон организм реакцияси бир жойда бўлмайди. Маълум бир микдорда юборилган доривор моддага бутун организм жавоб беради. Лекин барибир реакция қайси жойда бўлса, уша жой билан алоқада бўлган нерв толалари кўп боғланган жойда кўпроқ сезилади. Фармакологик дориларнинг рефлекс йўли билан таъсири бу эгри ёки шартли равишда – рефлекс йўли билан таъсир дейилади. Мисол: нафас олиш йўлларининг юқори нерв рецепторларини китиклаш билан шу жой шиллимшиқ пардадаги узғаришлар билан бир каторда, нафас олиш ва юракнинг қисқариши пасаяди. Худди шундай нафас олиш йўлининг пастки нерв толаларини китиклаганда юрак уриш кўчяди ва нафас олиш тезлашади.

Агар терининг устки экстрорецепторларини китиклашса теридаги узғаришдан ташқари упка, ичак ва бошқа органларда ҳам узғаришлар юз беради. Резорбтик (сўрилса) таъсир. Бу доривор моддаларнинг қонга

сўрилишдан вужудга келади. Бир жойдаги таъсир билан резорбтик таъсирга унча катта фарқ йўқ. Шунинг учун бундай таъсирни пререзорбтив таъсир ҳам дейилади.

Марказий нерв системасининг қандай ҳолатда бўлишига қараб олинадиган фармакологик натижалар ҳам доривор моддаларнинг бир жойга ёки резорбтик таъсири ҳар хил бўлади. Чунки тўқималарнинг физиологик ва биохимик хусусиятлари ва ҳар хил органлар билан боғланишлари ҳар хил бўлади. Резорбтик таъсир пререзорбтик таъсирга қараганда жуда хилма-хил ва жуда мураккабдир.

Кўпгина доривор моддалар (аминазин, кофеин, синестрол ва бошқалар) фақатгина қонга сўрилгандан сўнг таъсир қилади. Булардан фарқли ўларок қатор моддалар (танин, кўмуш, натрий ва бошқалар) бир жойда таъсир қилади, лекин айрим доривор моддаларнинг кўп қисми (новокаин, темир препаратлари, магний сульфат ва бошқалар) ҳам бир жойга резорбтик таъсир қилади.

Дори моддаларни организмга юбориш йўллари. Дорилар ҳайвонларга турли йўллар билан қўлланилиши мумкин.

1. Оғиз орқали. Энг кўп қўлланиладиган усуллардан бири бўлиб, суюқ, юмшоқ, қаттиқ дори шакллари ҳамда кўчли қитикламайдиган ва кўйдирмайдиган тоза ҳолдаги дорилар қўлланилади. Суюқ дори шакллари шиша, қошиқлар, резина шиша ёки зондлар ёрдамида қўлланилади.

Дорилар оғиз орқали қўлланилганда агар ошқозон ва ичаклар шиллик пардасини қитикласа, овқатдан кейин (темир, йод, камфора) агар қитиклаш хусусиятига эга бўлмаса, овқатдан олдин (ўраб олувчи, буриштирувчи, шиллик моддалар) қўлланилади.

Оғиз орқали қўлланиладиган дорилар организмга маҳаллий резорбтив ва рефлектор таъсир этади.

2. Ташқи томонга. Бу йўл билан мазь, паста, линимент, эритмалар, порошоклар маҳаллий, рефлектор ва қисман резорбтив таъсир учун

қўлланилади. Тери орқали терини ёғларида яхши эрийдиган дорилар тез сўрилади. Эритма ёки эмульсия шаклида дорилар териға пуфлаш, ювинтириш, чўмилтириш ёки аэрозоль йўллар билан қўлланилади. Бунинг учун махсус аппаратлар пульверизаторлар, гидропультлар, автомашиналардан фойдаланилади.

3. Шиллиқ пардалар орқали. Бу йўл билан оғиз бўшлиғи, кўз, бурун, сийдик йўллариға дорилар патологик ҳолатларда маҳаллий таъсир учун ва резорбтив таъсир учун қўлланилади. Бу йўл билан суюқ дори шакллари, қисман порошоклар ва свечалар қўлланилади.

4. Тўғри ичак орқали. Тўғри ичак ўзидан секрет чиқармайди, шунинг учун дорилар фермент ва ширалар таъсирига учрамайди. Тўғри ичак орқали дорилар қўлланилганда, қон тез сўрилади ва оғиз орқали қўлланилганиға нисбатан таъсири тез бўлади. Лекин бу йўл билан қитиқловчи дори қўлланилса, дефекация-акти чақирши ва шиллиқ пардалар яллиғланиши мумкин. Ректал йўл билан маҳаллий (свечалар), рефлектор (совунли сув ва глицерин) ва резорбтив таъсир этиш учун қўлланилади. Тектал йўл билан дори Эсмарх аппарати ёрдамида антимиқроб, буриштирувчи, яллиғланишға қарши дорилар қўлланилади. Суюқликлар миқдори 10 мл дан 2 литргача бўлиши мумкин.

5. Парентерал йўл билан. Бу йўл дорилар организмға тушушини тезлаштиради. Бунинг учун стерилланган эритмалар, қўйдирувчи ва қитиқловчи таъсирға эға эмас дорилар қўлланилади. Дорилар турли шприц ва игналар ёрдамида асептика қоидалари асосида инъекция қилинади.

А) Тери остига юбориш. Бу йўл орқали сувли, спиртли ва мойли эритмалар майда ҳайвонларға 0,1-2 мл, катта ҳайвонларға 2-20 мл миқдорда юборилади. Дорилар тери остига қорамолларға бўйин юзасига, қўйларға сон области ички қисмиға, ит ва мушукларға – ён қисми ёки ички сон областиға, чўчқаларға – кулоқға ёки сон ички қисмиға юборилади. Дори таъсири 2-15 минутдан кейин бошланади.

Б) Мускул ичига юбориш. Бу йўл билан ҳам дориларни суюқ шаклдагилар мускул ичига юборилади. Бу йўл билан юборилганда тери остидагига қарағнда таъсир тез бўлади.

В) Вена ичига юбориш. Бу йўл билан дорилар махсус шприцлар ёрдамида (**жанэ**), воситасиз тўғри қонга таъсир кўрсатиш учун юборилади.

От ва туяларга дорилар бўйинтуруқ венасига, чўчка қулоқ венасига, итлар – елка ёки тирсак венасига асосан сувли эритмалар юборилади.

Г) Артерия ичига юборилади. Бу йўл жуда кам қўлланилади, кўпинча бош ва оёқ касалликларида химиотерапевтик воситалар юборилади.

6. Ингаляцион йўл билан. Бу нафас органлари орқали дориларни юбориш. Бу йўл билан газ, пар ва аэрозоль ҳолатдаги дорилар юборилади ва маҳаллий резорбтив, рефлектор таъсир қилади. Дорилар ўпкага тушгач яхши ва тез сўрилади.

Ингаляция йўли нафас органларини ўткир ва сурункали касалликларида, наркоз чақириш мақсадида, юқумли касалликларни даволашда химиотерапевтик дорилар индивидуал ва гуруҳ ҳолда қўлланилади.

3.2. Дори моддаларнинг организмдаги биотрансформацияси.

Дорилар эритилган ҳолда қон оқими билан бутун организмга тарқаладилар ва турли органлар билан уланиб қоладилар. Ҳар хил тўқималарнинг дориларни ушлаб қолиш ҳар хил бўлади. Дорилар организмда қанча қон юриши тез бўлса, ўша организмда тезроқ йиғилишади. Итларда тажриба ўтказиб қараганда, уларда 100гр тўқимадан 1 минутда қўйидагича қон ўтгани аниқланган:

Мия орқали – 136 мл

Жигар орқали – 84 мл

Тамоқ орқали – 58 мл

Ошқозон орқали – 21 мл

Оёқлар орқали – 7 мл

Дорилар қонга қўшилиб ўзларининг йўлида ҳар хил тўсқинликларга учрайдилар, бу эса гистогематик тўсиқ дейилади.

Ичакдан ўтган моддалар вена дарвоза орқали жигарга келади, ўшалардан фақат бир қисми тўсиқликга учрамасдан жигардан ўтади. Қолган кўп қисми жигарда тўхтатилиб қолинади, кейинчалик уларпарчаланаяди ёки асталик билан қонга қўшилади. Худди шунга ўхшаган тўсқинликлар моддаларнинг қондан мияга ва қориндаги болага ўтадиган жойларда учрайди. Булардан бошқа ҳар бир хўжайранинг ўзининг тўсқинликлари бўлиб, улар бир хил моддаларни ўтказиб, бошқаларни ўтказмайди.

Моддаларнинг тарқалиши уларнинг хусусиятига эга. Ёғда эрувчи неэмитрометрлар хужайрага осон ўтадилар. Уларга физикавий тўсқинликлар кўп тўсқинлар қила олмайдилар. Бундай моддаларнинг тарқалиши организмнинг қон билан таъминланишига ва ёғда эрувчиларнинг ҳисобига боғлиқ. Агар бу моддалар организмга кўплаб киритилганда организмнинг қон кам келадиган жойларида ҳам тўла бўлишади.

Дори моддаларнинг организмдан чиқиши. Бир хил дори – дармонлар организмда тамоман бузиладилар, лекин кўплари организмдан ўз

ҳолатида ажралиб чиқадилар. Дорилар организмдан ўпка ва ажралиш органлари орқали ажралиб чиқадилар. Ажралиш жараёни секрет ажралиши қонунига боғлиқ бўлиб, лекин ўзига хос белгиларга эга. Аввал моддалар секрет ажратувчи хужайраларга тўсилиб, кейин секрет билан ажраладилар, секрет тайёрланаётган вақтда доривор моддалар кўплаб тупланиб секрет ажраладиган маҳалда тўпланмайдилар, ҳар хил моддалар организмдан бир хил ажралмайдилар. Уларнинг ажралиши дориларнинг хусусиятига ажратадиган организмга ва уша организмнинг саломатлигига боғлиқ. Кўпинча доривор моддалар организмга киритишидан оқ ажралиб чиқа бошлайдилар, ажралиб борган сари кўпайиб юкори миқдорга етиб кейин эса камая бошлайди. Дорилар органларга канча яхши тарқалган булса, организмдан ажралиб чиқиши шунча узок давом этади. Бир хил дорилар организмдан 1-2 соат ичида чиқса, бир хиллари 1-2 суткадан кейин ҳам органда учрайди. Дори дармонлар организмдан буйрак, упка, овкат хазм қилиш безлари орқали, тери, сут билан ажралиб чиқади.

Буйрақлар орқали кўпинча дорилар ажралиб чиқадилар, мисол учун: хар хил тузлар, камфора, эфир ёғи, огир металллар ажралади. Чунки уларнинг тупланиши кам бўлади. Аммо бир хил дорилар ажралиб даволаш ёки заҳарлаш хусусиятини бажарадилар (аммиак, формальдегид, камфора, флавакридин).

Буйрақдан кейин иккинчи уринда дорилар ажратиш юзасидан овкат хазм қилиш безлари туради. Сулак безидан йодит, бромид, бир хил огир металл тузлари, бир хил алколоидлар ажралади.

Ошқозон безларидан – юкорида кўрсатилган дорилардан бошқа морфин, папаверин, кокаин ажралади.

Ичак безларидан – огир металл тузлари, бир хил глюкозидлар, алкалоидлар, кальций қўшилмалари, магний, фосфор ва бошқалар.

Бронхо безларидан – эфир ёғи, камфора, аммоний хлоридлар ажралиб чиқади.

Тер безларидан – йодит, бромид, салицилат, оғир металлларнинг бир хил тузлари, мочевина, аммиак, фенол, сут кислотаси ажралади. Атропин, морфин, солицилатлар, йод ва бўлимлари, хинин, алкоголь, кам миқдордаги протеитда сут безлари орқали ажратилади, учувчи моддалар (эфир, хлороформ ва бошқалар). Ўпка орқали ажратиладиган вазифасини жигар бажаради. Агар бирор организмнинг иши бузилганда, ажратиш вазифасини бошқа орган ҳам бажариши мумкин.

Мисол: симоб бирикмалари асосан буйракдан ажратилади, лекин буйракни олиб ташлаганда улар худди шу миқдорда ичакдан ажратилади. Ҳар хил ҳайвонларда бир дорининг ажралиб чиқиши бир хил бўлмайди, бу эса органларнинг активлигининг бир хил бўлмаслигидир.

Мисол: буйракнинг ажратиш функцияси ўтхур ҳайвонларда суст бўлади.

3.3. Дориларнинг турларига ва концентрация эритмаларига қараб организмга таъсири.

Доривор моддаларни ҳар хил шаклда ва ҳар хил эритмаларда қўлланилади. Эритма қанча кўчли бўлса, дори моддасининг маҳаллий таъсири ҳам ўшанча кўчли бўлади.

Эритманинг кўчини ошириб натижасида дориларнинг таъсири этадиган кўчи ҳам ўзгаради. Мисол: бир хил оғир металл доривор моддаларнинг кам эритмаси организмга боғловчи, ўртача эритмаси кўзгатувчи кўчли эритмаси эса қўйдирувчи сифатида таъсир этади. Моддаларнинг эритмаси маҳаллий таъсирини аниқлаб доза эса (эритманинг хажми) – даволанадиган организмнинг ҳажмини кўрсатади.

Кўп маҳалда эритмалар қанча кўчли бўлса уларнинг организмга сўрилиши ҳам шунча тез бўлади., фақат гипертоник эритмаларнинг қанча кўчли бўлса шунча организмга сингилади. Бирор касални даволаш олдидан врач уни қандай ва қайси формада даволашни олдиндан билиш керак.

Мисол: қичима касаллигини даволаш учун канага тез ва кўчли таъсири килиши керак. Бунинг учун врач дорини паста эмас, линимент шаклида тез таъсир қилади. Ичакка бериладиган дорилар ҳам суюқлари тезроқ, каттиқлари секинроқ организмга сингади. Шунга қараб уларнинг дозаси ҳам ўзгаради, эритма сифатида кам бўлиб болуос сифатида кўп бўлади. Ҳозирги вақтда кўп дориларини молларга овқатга қўшиб бериш кўп қўлланилади. Антигельминтик фенотиозинни, олдини олиш тадбирини кўрганда – антибиотиклар ва бошқаларни овқатга қўшиб берган вақтларда ҳам шуни билиш керакки, ҳайвонларга едирадиган дорилар нормадан кўп ёки кам бўлмасин. Келажакда доривор моддаларни тузга қўшиб бериш ҳам кўзда тутилмоқда ва қўлланилмоқда.

Дори моддаларни бирга қўллагандаги таъсирлари. Амалиётда ҳайвонларни даволаш учун битта эмас, бир нечта дори моддалари бир вақтни ўзида қўлланилади.

Битта дори қўлланса, керакли натижа олиб бўлмайди, шунинг учун юқори терапевтик натижа олиш учун дорилар бир бирига қўшиб қўлланилади. Бунда организмда **синергизм** ёки **антогонизм** ҳолатлари рўй беради.

1. Синергизм – бир неча дорилар бирга қўшиб қўлланилганда юқори даволовчи натижа беради. Синергизм тўғридан-тўғри ёки бевосита бўлиши мумкин, бунда дорилар битта орган ёки системага таъсир қилади. Масалан: хлоралгидрат билан алкоғолни наркотик таъсири, булар бир нерв хўжайраларига таъсир қилади. Билвосита синергизм – бунда дорилар бир-бирини таъсирини ҳар хил система ё орган орқали бўлади. Масалан: Атропин ва адреналин таъсири кўз қорачиғига.

Дорилар бирга қўлланилганда натижа кўтилгандан юқори бўлиши мумкин. Бунга потенциаллаш дейилади. М: аминазин билан наркоз чақирувчи моддаларни бирга қўллаганда.

2. Антадионизм – дори моддалари билан захарланганда захарланишга қарши қўлланиладиган химиявий моддаларни қўллаш.

3. Антогонизм – дориларни қарама қарши таъсири бўлиб, бир дори иккинчисини таъсирини йўқ қилади. Антогонизм икки хил бўлиши мумкин. А) Икки томонлама антогонизм – бунда икки модда ҳам бир хил таъсир кўчига эга бўлади. М: хлорал гидрат ва стрихнин таъсири. Ҳар иккаласи ҳам бир бирини таъсирини сусайтиради. Б) Бир томонлама антогонизм – бунда қарама қарши таъсирга эга дорилардан биттаси кўчли таъсирга эга бўлади. М: Арколин ва атропинни қарама қарши таъсири. Арколинни таъсирини атропин сусайтиради. Лекин атропин таъсирини арколин сусайтира олмайди.

3.4. Дориларни такрор қўллаганда таъсир хусусиятлари.

Дори моддалари такрор-такрор юборилса, уларни таъсири зўрайиши ёки сусайиши мумкин.

1. Узоқ муддат мобайнида такрор юборилган дори моддаларини шифобахш таъсири сусайиши – организмни унга мослашиб қолиши ёки толерантлик дейилади. Масалан: антибиотикларга микробларни ўрганиб қолиши ёки айрим уйқу ва сурги дориларга ўрганиб қолиши ёки чўчкалалар узоқ вақт тетрациклин берилиб, кейин тўхтатилса улар касалланган.
2. Баъзи ҳолатларда дори моддалари такрор юборилганда ҳайвонларни реакцияси дорига нисбатан сусайиши ёки умуман бўлмаслиги мумкин. Бунга тахифилаксия дейилади. М: қон босими тушганда, эфедрин юборилса, қон босими кўтарилади, 5-10 мин. Кейин юборилса, уни таъсири биринчисига нисбатан камроқ бўлади.
3. Идиосинкразия – организмни баъзи дори моддаларига сезувчанликни ошиши. Бу ҳолат дори моддаларига мослашишига қарши ҳолат.
4. Сенсibiliзация – организмга дорилар қайта-қайта юборилганда организмни сезувчанлигини ошиб кетиши. Идиосинкразия биринчи юборилганда пайдо бўлади.
5. Кумуляция – дори моддаларни такрор-такрор юборилганда организмда тўпланиб қолиши.

Материал кўмуляция – дори қайта юборилганда организмда секин парчаланаяди ва секин чиқишидан ҳосил бўлади.

Функционал кўмуляция – дори қайта юборилганда организмдан тез чиқиб, лекин таъсири узоқ қолдиришидан ҳосил бўлади.

4. Меҳнат фаолияти хавфсизлиги ва фуқаролар мудофааси.

Табиий профилактик чора тадбирларни ташкил қилиш. Ўзбекистон Республикасининг меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонуннинг 17 моддасига асосан, корхона, соғлиқни сақлаш идоралари томонидан белгиланган тартибга мувофиқ равишда бир қатор касб ва ишлаб чиқариш ходимларини меҳнат шартномасини имзолаш пайтида меҳнат шартномасига амал қиладиган даврда вақт вақти билан тиббиё кўриқдан ўтказишни ташкил қилиши шарт. Ходимлар тиббий кўриқдан ўтишга бош тортишга ҳақли эмасдирлар. Ходимлар тиббий кўриқдан ўтишдан бош тортсалар ёки ўтказилган текшириш натижалари бўйича тиббий комиссиялар берадиган тавсияларни бажармасалар маъмурият уларни ишга қўймаслик ҳуқуқига эга. Агар ходим ўзининг саломатлиги ёмонлашишини меҳнат шароити билан боғлиқ ҳисобланса, навбатдан ташқари тиббий кўриқ ўтказилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга. Тиббий кўриқдан ўтказиш пайтида ходимнинг шу жойини (лавозими) ва ўртача иш ҳаққи сақланади. Даврий кўриқлар муддати ишларнинг хусусиятига қараб белгиланади. (Уч ойдан сўнг, ярим йилдан бир йилда ва икки йилда). Бу кўрсатилган кўриқлардан ташқари транспорт воситаларининг ҳайдовчилари ишдан олдин ва кейин тиббий кўриқдан ўтадилар. Касб касалликлари профилактикасида даволовчи профилактик овқатланишга кенг ўрин берилган бу эса зарарли таъсирни йўқотиш мақсадида олиб борилади. Пестицидлар, минерал ўғитлар ва бошқа зарарли моддалар билан ишлаганда бепул сут ва ҳимояловчи малхам дорилар давлат санитария бош врачлари ва соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган тиббий кўратмаларга асосан (19.03.96. йил) берилади. Қишлоқ хўжалигида меҳнат оғирлигини ҳисобга олган ҳолда соғлиқни тиклаш пунктлари ташкил қилинади. Уларга дам олиш хоналари, даволовчи, физкультура ва физиотерапия

бўлимлари киради. Ишлаб чиқариш гимнастикасига алоҳида эътибор берилади.

Меҳнат муҳофазаси чора тадбирларини амалга оширишда ҳисоб иқтисод хизмати бўлимларига алоҳида ўрин ажратилган. Уларга чора тадбирларни оқилона режалаштириш маблағ билан таъминлаш, маблағни сарфлаш асосий ва қўшимча чора тадбирларга маблағ ажратиш маблағларни мақсадга мувофиқ сарфланишини, ишлатилишини, шунингдек ҳисоб китоб устунидан назорат олиб бориш, шахсий ҳимоялаш воситаларини ҳисобга олиш, сақлаш режалаштириш ва бошқалар киради.

Заҳарли моддалар ва улардан ҳимояланиш чоралари. Умумий талаблар

Минерал ўғитлар, ўсимликларни ўсишини таъминловчи, пестицидлар зарасизлантирувчи воситалар сифатида ўсимликшунослик амалиётига кенг кириб келган. Улар юқори ва сифатли ҳосил олишни таъминлайди. Бироқ моддалар муайян миқдори инсонга ва атроф-муҳитга хавфлидир.

Кимёвий моддларнинг инсонга таъсири улар билан бевосита (аралашмалар тайёрлаганда, уруғларга, тупроқга ўсимликларга ишлов беришда, ишлов берган участкаларда ишлов берилганда) ва билвосита – ўсимлик, озиқ-овқат, маҳсулотлар орқали, кимёвий препаратлар ишлов берилган далалардан олинган мева сабзавотлар, шунингдек ҳайвонот маҳсулотлари орқали (гўшт, творог, сут, тухум ва бошқа) ва ўсимлик маҳсулотлари ем сифатида ишлатилганда қайсилари таркибида нитрат ва пестицидларнинг меъёрий кўрсаткич даражасидан юқори бўлганда сезилади. Пестицидлар инсон учун минерал ўғитларга нисбатан хавфлидир.

Ишлатилишига кўра пестицидлар, инсектоцидлар (курт-кумурскага) курашиши учун, акарацидлар (канага) родентицидлар

зарарли кемирувчиларга, фунгицидлар замбуруғларга бактериоцидлар, гербицидлар, (бегона ўтлар ва бошқаларга бўлинади).

Гигиеник хусусиятларига кўра пестицидларнинг хусусиятлари қўйидагича;

- тажрибадаги ҳайвонларнинг ошқозонига (жуда таъсирчан, ўта захарли, ўрта захарли ҳамда захарли) юбориш вақтидаги зарарланишига қараб;
- тери орқали захарланишига қараб (кескин, ўрта ва кучсиз ифодаланган);
- учувчанлигига кўра (ўта хавфли, хавфли ва кам хавфли);
- захарли моддаларнинг тўпланиб, кучли таъсир қилишига кўра (ўта юқори, сезиларли, ўрта миёна, кам сезиларли);
- тупроқдаги барқарорликка кўра (жуда барқарор вақт бўйича захарланиши икки йилдан кўп, барқарор 0,5 йилдан 2 йилгача, ўртамиёна барқарор – 1 ойдан 6 ойгача кам барқарор – бир ойгача).

Пестицидлар ва минерал ўғитлар билан зарарланишини олдини олишдаги (профилактика қилиш) асосий усуллари: улар билан ишлаганда меъёр, меҳнат муҳофазаси бўйича қоида ва қўлланмаларга риоя қилиш. Ишчилар шахсий ва коллектив ҳимояланиши воситаларини ишлатиш, агро техникага, экинларга қайта ишлов бериш ва кимёвий препаратларни сарф қилиш миқдорига қатъий риоя қилиш, кимёвий ишловларни яшаша жойларидан, сув хавзаларидан керакли узоқликда олиб бориш, рухсат этилган шамол тезлигида, ҳосилни териб олишганча экинларга берилган охирги кимёвий ишлов муддатини сақлаш; ўрганилган ва рухсат этилган препаратлардан фойдаланиш.грануланган пестицидлардан фойдаланиш меҳнат шароитларини яхшилашда самарали натижаларини бермоқда.

Пестицидлар ва минерал ўғитлар билан ишлашда тиббий кўрсаткичларга тўғри келмаган, дастлабки ва даврий (1 йилда бир марта)

тиббий кўриқдан ўтган шахсларга рухсат этилади. Пестицидлар билан ишлашга ҳомиладор ва эмизикли аёллар, 18 ёшга тўлмаган ва 55 ёшдан катта (эркаклар) ва 50 ёшдан (аёллар), шунингдек механизатор аёлларни пестицидлар ва минерал ўғитларни пуркаш, чанглатиш, ташиш, ортиш ва тушуриш ишларига жалб қилиш мумкин эмас. Пестицидлар билан ишлайдиганлар, меҳнат муҳофазаси бўйича ҳар йили инструктаждан ўтиши ва ўқиши шарт. Наряд-рухсат расмийлаштирилгандан кейингина пестицидлар билан ишлашга рухсат берилади. Пестицидлар билан кунига – 6 соат, симоб препаратлари ва фосфорорганик моддалар билан – 4соат (2 соат қўшимча пестицидларга алоқаси бўлмаган ишларда ишлаб бериши шarti билан) ишлаши керак. Пестицид ва минерал ўғитлар билан бажариладиган барча ишлар механизациялаштирилган бўлиши шарт, уларни бажаришда (ШХВ)шахсий ҳимояланиш воситаларидан фойдаланилади. Бир қатор ишлар противогазлар ва респираторларда бажарилади. Тери, кўл, оёқ, нафас олиш, эшитиш, кўриш органлари учун аниқ ШХВ турлари ҳар бир препаратгаалоғида пестицидларни ишлатиш хавфсизлик чоралари услубий қўлланмаларда келтирилган. Уларда шунингдек, ҳар хил моддалар билан ишлаганда ишлаш вақти кўрсатилган (6 ёки 4 соат).

Пестицидларни ўта хавфлилигини инобатга олган ҳолда улар билан ишлаганда бегона шахсларнинг бўлиши ман этилади. Пестицидларни дала ва бошқа жойларда қаровсиз қолдириб бўлмайди.

Хўжалик раҳбарлари далаларга кимёвий ишлов беришдан камида 2 кун олдин, қишлоқ аҳолисини ва асаларичиларни ишнинг муддати, жойи ва тури ҳақида огоҳлантиришлари шарт. Ишлов берилаётган участка чегарасидан камида 300м нарида хавфсизлик белгилари ва огоҳлантирувчи ёзувлар ўрнатилади. Улар карантин муддатлари тугагандан кейин олиб ташланади. Асалари уялари камида 5км нарида олиб чиқилади, сўнг 1-7 суткадан кейин кимёвий препаратларнинг турига ва ишлатилишига қараб қайтарилади.

Ўсимликлар кимёвий ишлов беришича сув ҳавзаларидан, санитария-химояланиш доирасидан 300м яқинида қўллаш мумкин эмас. Пестицидлар билан ишлов берилган участкаларда фақат рўйхатда кўрсатилган муддатлари ўтгандан кейингина иш давом эттирилади. Муддатлар қўлланиладиган пестицидларни физик-кимёвий хусусиятларга, уларнинг токсик даражасига, атроф-муҳитда сақланувчанлик хусусиятларига, бажариладиган ишнинг хусусиятига (қўлда ёки машинада) ва бошқа сабабларга қараб у 1 суткадан 60 сутка оралиғида ўзгариши мумкин.

Пестицид ва минерал ўғитлар билан ишлайдиган машиналар, механизм ва аппаратураларга маълум талаблар қўйилади: ҳамма машиналарда “ШХВ сиз ишлаш хавфли” деган қисқа огоҳлантирувчи белги бўлиши керак. Препарат тасодифан терисига, кийимига текканда дарҳол ювиб ташлаш учун 5л хажмдаги идиш бўлиши керак. Машина ишлаётган вақтда қўйидаги ишларни: занжир, санлик ва қисмларни қотириш, босим остида резиналар ва бункерларни ва люк ва қопқоқ клапначаларини очиш учликлар ва брондспайтларни тозалаш, манометрларни буриб олиш, резервларни ишчи суюқликлар билан тўлдириш мумкин эмас. Ишдан олдин пуркагич ва чанглатгичларнинг созлигини текширилади, пестицидлар ўрнига ҳаракатсиз кукун ва сув қўллаш мумкин эмас.

Чорвачилик ва паррандачилик хўжаликларида дезинфекция, дезинсекция, дезинвазия ва дератизация ишларини бажаришда профилактик ишлар.

Чорвачилик хўжаликларининг ҳайвонларни юқумли касалликлар билан касалланмаслик муваффақиятини таъминловчи чора тадбирлари тизимида дезинвазия, дезинфекция, дезинсекция ва дератизация энг асосий ўринларидан бирини тутади. Уларни ўташишдан мақсад – ҳайвонлар (парранда) атроф муҳитда юқумли касалликларни келтириб чиқарувчиларини қарши ёки зарарсизлантиришдан иборат. Вилоят, туман ва республикадаги хўжаликларида ҳайвонларда юқумли касалликларининг тарқалиб

кетмаслигини бу касалликларнинг олдини олиш кўриладиган чора тадбирлар дастурида инобатга олинади.

Дезинфекция - бино ва иншоотларнинг ташқи ва ички муҳитидаги микроорганизм тарқатувчиларини йўқотишдир. Чорвачилик ва паррандачилик хўжаликларида дезинфекция хоналарига ҳайвонлар (паррандалар) учун хоналар, ҳайвонларга хизмат кўрсатувчи буюм ва бошқа ускуналар коржомга, шунингдек хоналарга ёндашган яйлов майдонлари ва гўнг шарбати сақланадиган ўралар киради.

Дезинфекция 2 – олдин-ма кейин бажариладиган чора тадбирлардан иборат.

1. Хонанинг ҳамма қисмларини механик тозалаш;
2. Зарарсизлантирувчи воситалар ёрдамида дезинфекциялаш.

Профилактика ишларини бажаришда жорий ёки якунловчи дезинфекция аралашмалари тайёрланади. Ишлов берилладиган (пол, девор, шифт ва бошқалар) намунавий чорвачилик хоналари учун 1 м³ 1 л дик ҳисобида ралашма сепилади. Эритмани ушлаш муддати 3 соатдан кам бўлмаслиги зарур. Ҳамма хўжаликларда профилактик дезинфекцияни йил мобайнида камида 2-3 марта ўтказилиши шарт. Фермадаги ҳайвонларни баҳорда, яйловда боқишга, яъни фермаларга боғлаб боқишга ўтказилганда ҳар сафар хона тўлиқ ҳайвондан ва паррандадан бўшатилиб дезинфекцияланади. Дезинфекциялашда кимёвий моддалардан 10 % ли каустик сода ва 5 % ли хлорли охак аралашмалари ишлатилади. Аустик сода касаллик тарқатувчи микробларни (оксил, чума вируслари) хлорли охак эса кўпаювчи микробларни (куйдирги) киришида жуда яхши самара беради.

Дезинвазия – ооцист, кокцидие ва гижжаларни ҳосил қилувчи личинка ва тухумларини ташқи муҳитдан қириб ташлашдир. Чорвачиликда дезинвазияни дезинфекция билан биргаликда бирга ўтказилади. Ҳайвонларни дегельментлашдан кейин жорий дезинвазия қилинади ва навбатдаги

дегельментлаш яна қайтарилади, шунингдек ҳамма ҳайвонлар соғайгандан ёки ҳоналардан чиқарилгандан сўнг ҳоналарни якуний дезинвазия қилинади.

Дезинвазиядан сўнг ҳоналарнинг хавоси алмаштирилади, оқланади, охур ва суғоргичлар сув билан ювилади, ҳайвон ва паррандалар учун ишлатиладиган асбоб ва ускуналар дезинфекцияланади.

Дезинсекция – бу чорвачилик (паррандачилик) фермалари ва комплексларида зарарли эктопаразитларини (бўғимоёқли, қурт-қумурсқа ва кана) киришдир. Уларга қарши курашишнинг асоси ветеринария – санитария чора-тадбирлари. Бахорда профилактика ва доимий, такрорий дезинсекция ҳоналарида, хўжаликдаги чорва моллари боқиладиган – территорияларда ўтказилади, ҳайвонларга ишлов бериш ёки зарарли эктопаразитларни қириб ташлаш ва ҳайвон ва паррандаларни ҳимоялашдан иборат. Хўжаликга эктоаразитларни кириб келишидан ҳимоя қилишнинг энг яхши усулларида бири бу эктопаразитлар билан зарарланган ҳайвонларни ташқаридан киритмасликдир. Қурт-қумурсқа ва каналарга қарши курашишда механик (кана ва пашшаларни тутиш), физикавий (ҳарорат) кимёвий (дезинсекцияловчи инсектоцидлар) ва биологик (микроб ва паррандалар) усуллардан фойдаланилади. Ҳоналарни дезинсекциялашдан кўпинча 0,15-10 %ли хлорофос аралашмаси (100-150 мл 1 кв ҳисобида) ишлатилади. Қурт-қумурсқа личинка ва тухумларни қириш мақсадида гўнг сақланадиган жойларга шу аралашма билан сепаб чиқилади.

Дератизация – кемирувчи, (сичқон, каламуш) ва ҳар хил касалликларни ҳар хил зарарли касалликларни тарқатувчиларини қириб ташлашдир.

Зарарли кемирувчилар билан курашишнинг чора тадбирлари шундан иборатки, яъни уларга шундай шароит яратиш керакки, улар емларга яшаш жойларга ва кўпаядиган уйларга етиб боришдан маҳрум бўлсин. Чорвачилик фермалари ва территория ва комплексларида кемирувчиларга қарши курашишнинг чора тадбирларининг асосий – тозалик ва санитария талабларига ўз вақтида риоя қилишдир. Кемирувчиларни қириш ҳар хил

усуллар билан олиб борилади; механик (қопқонлар, тузоқлар). Кимёвий (денгиз пиёзи, маргимуш, каламуш ўлдирадиган захар), биологик (итлар, мушуклар) ва бактериологик (кемирувчиларни қирадиган бактериялар чақирувчи экинлар). Кемирувчиларга қарши курашишда ҳозирги кунда қўлланиладиган кучли таъсир қилувчи иккита препарат тавсия қилинади. Фентолацин ва пенолацин. Улар кемирувчилар организмида қон қуюлишининг бузилишига олиб келади ва натижада қон кетиш кучайиб, кемирувчи нобуд бўлади.

5. Қишлоқ туманларида ветеринария хизматини ташкиллаштириш.

Туман ветеринария хизматининг ташкилий тузилиши.

Қишлоқ шароитидаги туманлар ветеринария хизмати ташкил қилинадиган ҳудудларнинг таркибий қисми бўлиб у жойларда асосий чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқилади.

Ветеринарияда бажариладиган профилактика, даволаш, вет.санитар ва эпизоотологияга қарши кураш тадбирларининг ўндан тўққиз қисми туманлардан оширилади.

Туманлардаги ветеринария хизмати туман ветеринария бўлими, ветеринария станцияси, лабораторияси, хўжаликлар, ҳиссадорлик жамиятлари, корхоналар ва ташкилотлардаги мутахассислари томонидан амалга оширилади. Туман ветеринария бўлими бошлиғи (бош вет.врачи) уларга рахбарлик қилади.

Туман давлат ветеринария тармоғи ва рахбарлик .

Туман давлат ветреинария тармоғи туман ветеринария бўлими, ветеринария станцияси ҳайвонлар касалликлари билан курашиш станцияси, участка ветеринария шифохоналари ҳамда ветеринария участкаларидан ташкил топади. Шунингдек, туман маркази, шаҳар ва кўрғончалардаги, бозорлардаги туман тасаруфидаги ветеринария – санитария экспертиза лабораториялари ҳам мавжуд.

Давлат ветеринария муассасаси туман миқёсида ветеринария хизматини ташкил қилади ва амалга оширади.

Туман ветеринария станциясидаги мутахассисларнинг сони тумандаги мол бошига, жойлашиши ўрни ва ҳудудий боғлиқ ҳолда 11-19 тагача бўлиши мумкин.

Энг кўп белгиланадиган штатлар: 3-та ветеринария врачлари, 2-та фельдшер, 2-та санитар ва катта ҳисобчи.

Врачлар: эпизоотолог врач, врач-акушер, терапевт врач.

Дез. Отряд бошлиғи – ветеринария врач. Ветеринария бўлим бошлиғи бир пайтда туман бош ветеринар врач лавозимини ҳам эгаллайди. Станция мутахассислари кўйидаги тадбирларни режалаштиради, ташкиллаштиради ва касалликларни олдини олиш ҳамда йўқотишни амлага оширади. Шунингдек ҳайвонларни ҳайвонларни мақбул шароитларда асраш, озиклантириш, даволаш, эмлаш, клиник ва лаборатор диагностик теширувлар ўтказишда иштирок этади.

Станция ходимлари ҳайвонларнинг қисир қолишини олдини олишда ҳам ҳамкорлик қилишади.

Врач-эпизоотолог, врач – терапевт, врач – акушер, врач – паразитолог каби лавозимлардаги мутахассислар ҳам ўз сохлари бўйича маъсулдилар.

Туман ветеринария – станцияси туманнинг барча худуди бўйича назорат ўтказиб, унинг мансабдор шахслар чорвачилик объектларидаги ишлаб чиқариш жараёнларидан куннинг илиқ пайтида хабарлашишилари мумкин. Жумладан, бозорлар қошидаги ветеринария станция экспертизаси лабораториялари ҳам туман ветеринария бўлимига бўйсинади ва унинг тасаруфида ҳисобланади.

Туман ветеринария бўлимининг жойлашиши ва жиҳозланиши.

Туман ветеринария бўлими туман марказида жойлашади ва ўз биносига эга бўлади. Туман ветеринария бўлими асбоб-ускуналари, аппаратура, жиҳозлар ва транспорт воситалари билан таъминланиши зарур. “Ветеринария амбулаторияси”, “ветеринариятез ёрдами”, “юк автомашинаси”, “дезинфекцион қурулма” (ДУК) ларга эга бўлади. Ветеринария бўлими ўзининг штамп ва юмалоқ муҳрга эга бўлишлари шарт.

Туманда ветеринария ишини бошқариш Ўзбекистон Республикаси “Ветеринария тўғрисидаги” қонуннинг туман давлат ветеринария бўлими раҳбарлик қилади. Туман ветеринария бўлими бошлиқлари мазкур туман

хокими билан келишилган ҳолда вилоят Давлат ветеринария бошқармаси томонидан тайинланади. Туман Давлат ветеринария бўлими бошлиғи тумандаги барча ветеринария хизматини ташкиллаштиради ва бошқаради.

- Ветеринария тадбирларини режалаштиради ва ташкиллаштиради;
- Ветеринария хизмати ходимларининг фаолиятини ташкиллаштиради;
- Кадрларни танлайди ва тавсия этади;
- Ветеринария хизматини моддий таъминотини бошқаради;
- Чорвачиликнинг ветеринария санитария маданиятини оширади;
- Туманда хайвонларни суйиш, хом ашё тайёрлаш пунктлари фаолиятини назорат килади;
- Давлат ветеринария санитария назоратини утказади.

Ветеринария бўлими бошлиғи вет.станциясининг хизматларини ишга қабул килади ва ишдан бушатади.

Участка ветеринария шифохонаси даволаш профилактика муассаси ҳисобланади ва у тегишли туманнинг бир қисмида хайвонларнинг (парранда, балик ва асарлариларни ҳам қушиб) касалликларига қарши чора ва бошқа ветеринария тадбирларини ташкиллаштира-ди, ҳамда амалга оширади. Унинг фаолият ҳудуди туман ветеринария бўлимининг буйруғи билан аниқланади, қайсики унда шифохонага беркитилган хужалик ва аҳоли пунктлари санаб утилади.

Тасдиқланган намунавий жадвалга асосан участка ветеринария шифохонаси қуйидаги штатларга эга бўлади:

Иккита ветеринария врачлари, улардан бири касалхона мудири, иккита ветеринария фельдшери ва 1-2 та хизмат килувчи ходимлар.

Касалхонада ветеринария врачлари ва фельдшернинг бўлиши, уларга хайвонларнинг касалликларига қарши кураш станцияларнинг ухшаш куплаб ишларни амалга ошириш имкониятини (фақат кичик қуламда) беради.

Участка шифохонасини саклаш ва унинг ветеринария тадбирларини утказиш учун кетадиган харажатларни, ветеринария булимининг бюджет маблаги ва пуллик хизмат курсатиш хисобидан копланеди.

Участка ветеринария шифохонаси керакли техника воситалари билан таъминланади.

Унда махсус машиналар:

«Тез ветеринария ёрдами», «Ветеринария амбу-латорияси».

Шунингдек, от-арава (улов) булиши керак.

Шифохона мутахассисларига жамоа, ширкат ва бошка хужаликларда уларнинг профилактик, эпизоотияга карши ва ветеринария санитария чораларини ташкиллаштириш ва утказишни назорат килиш, керак булган такдирда бу масалалар буйича уларга курсатмалар бериш хукуки берилган. Бундан ташкари, шифохона белгиланган тартибда ветеринария кузгатув хужжатларини бериш, гушт сут ва бошкаларнинг ветеринария санитария экспертизасини утказиш хукукига хам эга.

Ветеринария участкаси Давлат Ветеринария тармогининг ветеринария даволаш муассасаси хисобланади. Туман ветеринария бўлимининг буйруғига асосан хайвонларга ветеринария хизматини курсатиш учун маълум худуд беркитилади (хужаликлар ва ахоли пунктлари).

Мавжуд низомда унинг хизмат доирасидаги чорванинг муваффакияти ва ветеринария тадбирларини уз вақтида утказиш жавобгарлиги юклатилган.

Намунали жадвалдан штатга асосан ветеринария участкасининг штатида ветеринария врачлари (участка мудирлари) ветеринария фельдшери, ветеринария санитария, агар от ҳам бўлса отбоқар бўлади. Ветеринария участка хайвонларининг касаллик-ларига карши кураш станцияси каромогида булиб, маблаг билан таъминланади.

Ветеринария участкаси бурчак штамп ива узининг номи курсатилган думалок мухрга эга.

Туман ветеринария лабораторияси хар бир туманда еки туманлараро ташкил этилади. Бунда хайвонларнинг касалликларнинг (парандалар, балик ва асалари хам кушиб) диагностик текшириш утказилади, гушт,сут ва озика махсулотлари жуда аник анализ экспертиза килинади. Лабораториянинг карамогида гушт,сут ва бошка махсулотларнинг ветеринария санитария экспертизаси лабораторияси хам булади.

Туман ветеринария лабораториясининг иши Узбекистон Республикаси Давлат Ветеринария Бош Бошкармаси тасдикланган унинг хакидаги низом билан белгиланади. Лаборатория тумандаги диагностик теширишларнинг тугрилиги,келиб тушган материал-ларнинг уз вактида ва сифатли текширишига, уз хулосасининг аник ва туликлигича жавоб беради.

Лабораторияга узи хизмат киладиган худуддаги ветеринария муассасалари рахбарлигига хайвонларнинг касалликлари диагностикаси масалалари буйича хулоса ва услубий курсатма бериш ва ветеринария тадбирларини утказиш хукуки берилган. Туман ветеринария лабораториясида махсус автомашиналар «Тез ветеринария ёрдами» ва «Ветеринария амбулаторияси», шунингдек, от бўлиши керак. Туман ветеринария лабароторияси вилоят ветеринария лабраоториясининг рахбарлиги фаолият курсатиб, улардаги бюджет маблаги хисобидан таъминланади.

Лабораториянинг директори ва хисобчисини туман ветеринария булими тавсиясига асосан вилоят ветеринария лабораторияси рахбари томонидан ишга тайинлайди ва ишдан бушатади. Лабораториянинг колган ходилмларини лабораториянинг директори ишга кабул килади ва ишдан бушатади.

Хар бир ветеринария мутахассиси ўз вақтини тўғри тақсимлаши шифохона, участка, пунктдаги фаолиятини, хужаликдаги тадбирлар билан бирга кушиб олиб бориши лозим. Фельдшер узининг вазифаларини яхши бажариши учун, юкорида айтиб утганимиздек, ишлаб чикаришни,

чорвачиликни, юритишнинг барча томонлари билан кизикиши, човадорларга молларни парвариш қилиш, боки шва асрашга доир ветеринария санитария қоидаларини аниқ равишда ургатиши, заиф жойларни топиши ва камчиликларга баҳрам бериш чораларини қуриши керак. Умумий ветеринария профилактик тадбирлари деб аталган ишлаган асосан анна шулардан иборатдир.

Ветеринария участкасида ва пунктида ойлик календарь иш режаси бўлиши лозим. Уни участка ва пункти мудир, туман хокими тасдиқлаган профилактик ва эпизоотияларга қарши қураш тадбирларининг йиллик режасини ҳисобга олган ҳолда тузиб чиқади. Ойлик режага киритилган ишларнинг турлари реал шароитида боғлиқ ҳолда жуда турли туман бўлиши мумкин. Режа тузилгач, ижрочиларга таништирилади ва барча уз вазифасини бажаришга киришади.

Ҳайвонларни асраш, боқиш ишлари ҳозирги вақтда хўжаликда янги бозор иқтисодиётига мослаштириляпти ва зоотехния, ветеринария ишларига катта эътибор берилмоқда. Ҳайвонлар асосан ёппасига ветеринария кўригидан ўтказилади. Бу вақтда қўйларни эмлаш ва дегельментизация гижжасизлантириш каби тадбирлар ҳам режа асосида олиб борилади. Ҳайвонлардан олинган қонлар ёки мажбуран сўйилган ҳайвонларни ички органлари ветеринария лабораториясига жўнатилади.

Хўжаликларда ветеринария мутахассислари барча қоидаларга риоя қилишда хўжаликка қарашли аҳоли яшайдиган территорияда ветеринария ҳолати систематик ўрганилиб борилади. Ветеринария хизматини маблағ билан таъминлаш хўжаликда ўтказиладиган барча тадбирларни ўтказиш учун сарфланадиган дори – дармонлар асбоблар эмлаш учун вакциналар “Зооветснаб” ташкилоти ва ветдорихоналар томонидан таъминланади. Бу ташкилотга эга хўжалик пул ўтказилади.

Эмлаш учун вакцинали ва турли зардоблар давлат томонидан бепул берилади. Режалаштирилган маблағ билан таъминлаш хўжалик томонидан

амалга оширилади. Буларга молхоналарни механик тозалаш, ҳашарот ва кемирувчиларга қарши курашиш ва туғриқ вақтида ўтказиладиган ветеринария тадбирлари барча турдаги ҳайвонларни даволаш изоляторлари тўла таминланган.

Хўжаликда ветеринария ишлари бир мунча яхши ишга қўйилган. Унда ветеринария мутахассислари хизмат кўрсатмоқда. Диагностик текшириш дигелминтизация, дератизация ўтказиш режаси ойнанг бошида вет.врач тузади. Шу асосда иш олиб борилади. Режани тузган бош вет врач тасдиқлайди ва назорат қилиб боради. Сигирлар сунъий ва табиий қочирилади ва шу билан бирга улар трихаманоз виброз касаликларига текшириб туришади. Юқумли касалликларнинг асосий тарқатувчилари ёввойи ҳайвонлардир. Шунинг учун хўжаликда уларга қарши курашиш ишларига алоҳида эътибор берилади. Юқорида кўрсатилган барча чораларини ўз вақтида бажарилиши чорвадорларни ва бошқа аҳолини зооантропоноз касалликларидан сақланишнинг чораларидир. Ветеринария тадбирларини иқтисодий кўрсаткичларининг махсус системаси характерлайди. Олди олинган иқтисодий зарар моллар касаланиши, ўлими касаллик келтираётган иқтисодий зарар ветеринария тадбирларини ўтказиш чиқимларини ўртача кўрсаткичларини ўз ичига олган норматив базадан фойдаланган ҳолда аниқланади. Инвазион касалликларда гелментозларга қарши тадбирларнинг иқтисодий самарадорлиги норматив кўрсаткичлар системасида фойдаланган ҳолда молларни гелментсизлантириш усулларини самараси белгиланади. Касаллик ташувчи ҳашаротлар махсус химиявий акарацидлар, нооцидол, октоминлар сачратқич ва чангюткичлар билан сепиб ўлдиришади. Кемирувчиларга қарши дератизация ўтказиб хўрак сифатида овқат, сувлар қўлланади.

Туман ветеринария станциясининг кундалик иш тартиби.

№	Бажариладиган ишлар	Вақти	Бажарувчилар
1	Стационарни тозалаш, касал хайвонларга ўт, сув, ем, хашак бериш	7 ³⁰ -8 ⁰⁰	Вет.санитар.
2	Стационардаги касал молларнинг тана температурасини ўлчаш	8 ⁰⁰ -8 ¹⁵	Вет.санитар
3	Ошхона ва операция хоналарини тозалаш	8 ¹⁵ -9 ⁰⁰	Вет.санитар
4	Стационардаги касал моларни даволаш	9 ¹⁵ -10 ⁰⁰	Вет.врач, Вет.санитар
5	Олиб келинган касал молларни текшириш ва даволаш (амбулатория қабули)	10 ¹⁵ -13 ⁰⁰	Вет. фелдшер
6	Тушлик, дам олиш	13 ⁰⁰ -14 ⁰⁰	Вет.санитарлар
7	Стационардаги касал молларни боқиш ва бошқа ишлар , (ишлатилган асбобларни қайнатиб тозалаб ювиш стериллаш)	14 ⁰⁰ дан кейин	Вет.санитарлар
8	Чакириқ бўйича мутахассисларни хонданига ва хўжаликларига бориш.	14 ⁰⁰ -17 ⁰⁰	Вет.врач, Вет.фелдшерлар
9	Мутахассисларнинг навбатчилиги	19 ⁰⁰ гача	График бўйича.

6. Менежмент асослари.

Мақсад - қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштирувчи субъектларга ва унга хизмат кўрсатувчи тармоқларда иқтисодий ишлаб чиқариш жараёнларига тадбиқ қилишдан иборат. Асосий вазифа - қишлоқ хўжалигида маҳсулот етиштирувчи ва хизмат қилувчи тармоқлар билан иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш орқали, маҳсулот ҳажмини ва сифатини оширади товар ишлаб чиқарувчи объектларга меҳнат жараёнларини илмий асосда ривожлантириш билан меҳнат унумдорлигини ошириш, ер, сув ҳамда асосий воситалардан самарали фойдаланишдан иборатдир. Товар ишлаб чиқарувчи хўжалик корхоналари фаолиятини тахлили қилиши учун ҳар хил усуллардан фойдаланилади. Ушбу усуллар статистик, монографик, аналитик ҳисоблаш, иқтисодий математик, лойиҳа конструкторлик ишлари кабилардан иборат.

Ўзбекистон Республикасини жами ер майдони 447,4 млн га бўлиб, шундан қишлоқ хўжалигига яроқли ер майдонларининг 1 % и ёки 26,6 млн гектари яйлов ва пичанзорлар, 18 %и ёши 3,0-3,2 млн гектари фойдаланиладиган ерларни ташкил қилади.

Қолган қисмида намликни жуда кам бўлганлиги сабабли фойдаланилмайди. Республика ер фондининг асосий қисмини шаҳар ва аҳоли пунктлари, коммуникациялари, дарё ва сув ҳавзалари билан банд бўлган ерлар, ўрмон хўжалиги ерлари, ҳарбий мақсадлари учун ажратилган ерлар ва давлат захирасидан иборат.

Меҳнат реворслари Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг 60,2 % и қишлоқда яшайди. Меҳнат русурслари 9,9 млн киши, аҳоли йилига 300-370 млн кишига кўпайиб бормоқда. Ишчи кучи деб кишиларни меҳнат қилиш қобилияти, уларда бўлган жисмоний маънавий қобилиятлари йиғиндисига айтилади.

Меҳнат ресурслари деб – меҳнат қилиш қобилиятига эга бўлган фуқароларга айтилади. Меҳнат ресурслари 18 ёшдан 60 ёшгача бўлган эркеклар, 16-55 ёшгача бўлган аёллар ҳисобланади.

Чорвачилик – қорамолчиллик чорвачиликда асосий тармоқ бўлиб инсонлар учун озиқ-овқат (гўшт, сут, ёғ, пишлоқ, қатиқ, сузма) маҳсулотлари етказиб беради. Инсонлар томонидан истеъмол қилинадиган маҳсулотлар рақамда 400 млнни қорамол маҳсулотлари ташкил қилади. Одамнинг нормал ривожланиши учун йилига 405 кг сут маҳсулотлари, шу жумладан 128 кг сут, 18 кг ёғи олинган сут, 9,1 кг сузма, 6,6 кг пишлоқ, 66 кг қаймоқ, жон бошига 82 кг гўшт, 36 кг қорамол гўшти истеъмол қилиниши лозим. Бир қорамолдан энг юқори маҳсулот олиш 4 %ни ташкил этади, 5000-9000 кг сут олиш мумкин.

Менежмент мазмунини – очиш билан бирга унинг ички томонини фарқлаш зарур. Яъни техник ва ижтимоий – иқтисодий жараёнларни бошқариш.

Менежментнинг олдида асосий масала замонавий билимлар мажмуасини ижодий ишлатилишига имкон яратишдир. Менежментнинг мазмун ишлаб чиқариш усули ижтимоий – иқтисодий муносабатлар даражаси, ишлаб чиқариш кучлари ривожланишига боғлиқ ҳолда ўзгаради. Ишлаб-чиариш ривожланиши ва иқтисодий алоқалар мураккаблашуви билан бошқарув ҳам мураккаблашади. Менежментнинг асосий мазмунини иқтисодиётнинг, менежмент тизимидаги ва уни тузилишининг ташкилий шакллари, хўжалик механизми ва бошқарув услублари ва методологик асосларини ўрганишини ташкил этади.

Менежментнинг амалий томонлари бир қатор аниқ вазифаларни ҳал этишга, жумладан, иқтисодиётни бозор муносабатларига ўтишига фойда олишига, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишдан иборатдир.

Қишлоқ хўжалигини ислох қилишнинг ўзбек модели унинг мазмуни ва моҳияти.

1. Қишлоқ хўжалигини ислох қилишнинг ўзбек модели .

Республика Президенти И.А.Каримовнинг беш тамойили ўз ичига олган иқтисодиётни мафкурадан устуворлик, давлат иқтисодий ўзгаришларининг ташаббускор ва ислохчиси босқичма босқичлиги,

қонун устуворлигини аҳолини кучли ижтимоий ҳимоялаш 1993 йилда чоп этилган “Ўзбекистон – Бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли” номли асарида келтирилган бўлиб, қишлоқ хўжалигида уни амалга оширишда 23 декабрда 1998 йилдаги нутқида кўрсатилганидек яъни маҳсулотни 30% ини экспорт салмоғини 55% шу тармоқда яратилиб, ислохотнинг мазмунини:

а) мулкга эгалик қилишни пай асосида. б) меҳнатни ташкил этишда ва ҳақ тўлашда эса оила пудрати. в) хўжалик юритиш шакли ширкат шаклидан иборатдир.

Бунда иқтисодиёт ислохотларини чуқурлаштиришнинг қўйидаги тартибдаги моделини келтириш мумкин;

а) Стратегик мақсадлар. б) мақсадни амалга оширувчи соҳалар; в) вазифалардан иборат.

2. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг беш тамойилини моҳиятини изохлаб бериш.

Иқтисодни сиёсатдан устувор бўлиши ва унинг учун иқтисодиёти мафкурадан холи қилишини.

- Давлат асосий ислохотчи бўлиши.
- Қонун ҳамма нарсадан устун туриши.
- Кучли ижтимоий сиёсий ўтказилиши.
- Бозорга ўтиш босқичма босқичини амалга оширилиши керак.
- Бутун инсоният тажрибаси шуни кўрсатадики, инсон у деҳқонми, ишчими, инженерми, аграрномми, вет.врачми ким бўлмасин ўз жойида, ерда фабрикада, заводда, лабораторияда ўзини хўжайин хис қилиши лозим.

Бозор муносабатларига ўтиш учун ижтимоий ишлаб чиқариш ва тақсимотининг бутун давлат ва ижтимоий тузимииз биносини қайтадан тузиб реконструкция қилиш керак уни шундай қуриш керакки бинонинг устунлари ва деворлари кўриниб турсин. Ушбу жараён давлатдан бошқа ким раҳбарлик

қила олади ким тўғри йўлга солиб туради албатта давлат. Шунинг учун Давлатларнинг ўзи бош ислохатни – Давлатнинг чиқарган ва чиқараётган барча қонунларини оғишмай, ҳеч иккиланмасдан сўзсиз бажарилиши лозим. Халқнинг ижтимоий томонидан ҳимоя қилаётган маърифий-маънавий баркамол авлодни тарбиялаб етазиш лозим. Яни халқнинг бозор иқтисодиётига ўтишни тامينлаш ҳар хил нарсага бирданига эришиб бўлайди, унинг учун вақт ва сабр тоқат керак. Шунинг учун ҳам бозор иқтисодиётига ўтишни босқичма – босқич амалга ошириш лозим.

Қишлоқ хўжалик кооперативлари ширкат фермер ва дехқон хўжаликлари ўртасида фарқ нималардан иборат?

Қишлоқ хўжалик ширкатида мулк пай асосида фермер хўжалигида аъзоларнинг умумий мулки ҳисобланиб меҳнатни ташкил этиш ва унга тўланади ширкатдан асосан оила пудрати фермер хўжалигида фақат дехқон хўжалиги аъзоларининг меҳнатдан иборатдир. Даромадни тақсимлаш ва унга эгалик қилишдаги фарқлардан иборатдир.

7. ХУЛОСАЛАР

1. Дори моддларнинг таъсир этишидаги умумий қонуниятлари асосини, уларнинг фармакодинамикаси – таъсир механизми, таъсир кучи ва таъсирининг давомийлигини юзага келтирувчи ўзига хос хусусиятларини ташкил қилар экан.
2. Фармакологик препаратлар организмда кечадиган ўзгаришларни фаоллаштириши ёки сусайтириши, таъсири тўғридан тўғри бевосита ҳамда билвосита намоён бўлиши, тарқалишига қараб танлаб ва умумий, йўналиши бўйича асосий, иккинчи даражали ва кутилмаган, шунингдек таъсир жойига қараб маҳаллий, резорбтив ва рефлектор таъсир этиш хусусиятларини юзага келтириши мумкин.
3. Дори моддаларнинг таъсирини юзага келиши, дори моддаларнинг шаклига ва дозасига, шунингдек уларни турли хил ҳайвонлар организмга қандай йўллар билан юборилишига боғлиқ бўлади.

8. Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик” йили дастури. Тошкент 2011 йил
2. ЎзР вазирлар маҳкамасининг 308- сонли қарори. Тошкент 2006 йил.Март.
3. ЎзР вазирлар маҳкамасининг 842- сонли қарори. Тошкент 2008 йил.Апрел.
4. Каримов И.А. “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” Тошкент 2009 йил.
6. Азизова С.С. “Фармакология”, Тошкент 2000 й.
7. Балткайская В.А., Фатеев А., “Взаимодействие лекарственных веществ” Москва, Медицина 1991.
8. Балацкий К.П., Канюкан Н.И. “Антидотная терапия” 1980.
9. Баженов С.В. “Ветеринарная токсикология” Москва 1970.
10. Жоворонков Н.И., Аристов И.Г. “Негативной влияния лекарств в ветеринарии” Москва 1979.
11. Машковский М.Д. «Лекарственные средства» Медицина 1998.
- 12.Мозгов И.Е. Фармакология учебник Москва 1985.
13. Соколов В.Д. «Фармакология» Санкт-Петербург-2010.
14. Саканян С.Ш., Исаев В.И. «Лекарственные патологии».
15. Третьяков и др. «Ветеринарные препараты», Справочник, Москва 1988.
16. Полоз Д.Д., Таланов Г.А. «Ветеринарная токсикология» Москва 1987.
17. Харкеевич Д.А. «Фармакология» Москва, Медицина 2005.
18. Хмельнецкий и др. «Ветеринарная токсикология» Москва, 1987.
19. Чекмана И.С. и др. «Справочник по клинической фармакологии и фармакотерапии» Москва 1987.
20. Мозгов И.Е. Ветеринарная рецептура с основами терапии и профилактики. «Справочник» Москва 1988 г.
21. Лакин К.М. и др. «Биотрансформация лекарственных веществ» Москва, Медицина 1987 г.

22. Машковский М.Д. «Лекарственные средства» Москва, Медицина Т-1,2; 1993 г.
23. Сидоров И.В. и др. «Лекарства для животных» М.: Колос, 1980 г.
24. Соколов В.Д., Рябинович М.И., Горшков Г.И.; Фармакология. Под ред. 25. В.Д.Соколова. М.: Колос, 1997.-445 с.
25. Соколов В.Д. др. «Лекарственные средства, применяемые в ветеринарной практике» Справочник, Новосибирск, наука, Сиб. Отд .1992 г.
26. Тимофеев В.А., «Профилактика лекарственных осложнений у сельскохозяйственных животных» Москва, Росагропроимздат, 1989 г.
27. Кишмиш Г.Я и др. «Фармакокинетика химиотерапевтических препаратов» Москва, Медицина 1982 г.
28. Ковалев В.Ф. и др «Антибиотики, сульфаниламиды и нитрофураны в ветеринарии» Москва, 1988 г.
29. Ключев М.А. ва бошқалар. «Табиатда ишлатиладиган дори-дармонлар» Тошкент, 1995 й.

